

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

«Ижтимоий-иқтисодий соҳа» таълим йуналиши талабалари учун

«БОЖХОНА ИШИ» ФАНИДАН

М А Ё Р У З А Л А Р М А Т Н И

ТЕРМИЗ 2008 йил.

«Божхона иши» Фани буйича ёзилган маъруза матнида Ўзбекистон Республикасида божхона ишининг вжудга келиш тарихи, унинг ривожланиши ва божхона ишининг республикадаги ҳозирги ҳолати тугрисида маълумотлар кетирилган. Булардан ташқари республикада ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш механизми, ТИФ ни тартибга солишда божхона туловларини урни, божхона режимлари, товарларни божхона кийматини аниқлаш усуллари, божхона назорати, контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига Қарши кураш усуллари ва божхона ишига оид халқаро ҳамкорлик масалалари тугрисида маълумотлар берилган.

М У Н Д А Р И Ж А

№	Мавзулар номи	Бетлар
1.	К И Р И Ш	4
2.	1-мавзу: Ўзбекистон Республикасида Божхона ишини вжудга келиш тарихи.	5-11
3.	2-мавзу: Давлатни савдо-тариф сиёсати назарияси.	12-18
4.	3-мавзу: Ташқи иқтисодий фаолиятни моҳияти, аҳамияти ва мақсадлари.	19-30
5.	4- мавзу: ТИФ ни ташкил этиш, бошқариш ва тартибга солиш давлат сиёсати.	31-36
6.	5-мавзу: Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат бошқаруви воситалари	37-44
7.	6-мавзу: Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат бошқарувида нотариф усуллар.	45-57
8.	7- мавзу: Халқаро савдо сиёсатини такомиллашуви ва давлат иқтисодий ҳавфсизлиги.	58-65
9.	8-мавзу: Минтақалараро савдо иқтисодий муносабатлар ва Ўзбекистон Республикасини иқтисодий муносабатларни самарадорлиги	66-72
10.	9-мавзу: Миллий иқтисодиёт манфаатларини ҳимоя қилишда божхона органларининг асосий вазифалари	73-76
11.	10-Мавзу Божхона назорати тушунчаси, унинг шакллари ва амалга ошириш тартиби	77-83
12.	11- Мавзу Божхона назоратининг узига хос хусуситлари	84-87
13.	12-Мавзу Турли транспорт воситаларни ва уларда ташиладиган юкларни устидан божхона назорати	88-98
14.	14-Мавзу Божхона режимлари ва уларнинг турлари	99-119
15.	13-Мавзу . Божхона расмийлаштируви ва унинг тартиби	120-123
16.	17-Мавзу Божхона экспертизаси унинг моҳияти ва утқазилар тартиби	124-133
17.	16-Мавзу Божхона статистикаси ва унинг асосий вазифаси.	134-148

18.	18-мавзу. Божхона хакидаги конун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик	149-154
19.	18-мавзу. Божхона хакидаги конун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги ишларни юритиш	155-169
20.	19-Мавзу. Божхона органларида суриштирувни ташкил этиш.	170-176
21.	20-мавзу. Жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини утказиш.	177-192
22.	21-Мавзу: Халқаро бажхона ҳамкорлиги унинг моҳияти ва мақсади.	193-196
23.	22- Мавзу: Европа иттифоқи ва унинг ташкил этилишининг асосий сабаблари	197-203
24.	23 – Мавзу: ВТО/ГАТТ – халқаро савдо ташкилоти ва халқаро савдони тартибга солиш тамойиллари.	204-214
25.	.24-Мавзу. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳужалигига интеграциялашуви	215-224
26.	Хулоса	225-226
27.	Нмунавий дастур	227-249

Кириш

Давлатлар уртасидаги халқаро савдони ривожланиши, ишлаб чиқариш интеграциясини кенгайтириш ва такомиллашуви ташки иқтисодий фаолиятни янада эркинлашувига сабаб бўлаяпти.

Ҳозирги бозор ислохотлари янги стратегиясининг асосий йўналишларидан бири, ташки иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни оптималлаштириш ҳисобланади.

Ташки иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида, мамлакат ички ва ташки иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташки иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқими кучайтиришга йўналтирилган ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия ва назорат қилиш йўналишидаги чора-тадбирлар тизимини яратишдир.

Ташки иқтисодий фаолиятни оқилона тартибга солиш иқтисодий ривожланишда давлат стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг узига ҳос ички ва ташки шароитларини инобатга олган ҳолда, жаҳон бозорининг салбий ўзгаришларидан ҳимоя қилувчи, унда эгалланган мавқеаларни сақлаб қолиш ва кенгайтиришни таъминловчи оптимал (мақбул) даражадаги протекционизм ва эркин савдо сиёсати қўлланилишини тақозо этади.

Утиш даври иқтисодиётини бошидан кечириётган мамлакат ташки иқтисодий алоқаларини кенгайтириш учун узини эркин бозор гирдобига ташлаб қўя олмайди. Бундай шароитда давлатнинг ривожлантириш қарорлари сифатида фаол қатнашувига зарурият тугилади. Бозор муносабатларига утишнинг илк

боскичларида ташки иктисодий алокаларнинг давлат томонидан тартибга солиниши, айникса, муҳимдир. Бу эса биринчи навбатда, ташки савдони ва ташки иктисодий фаолиятнинг бошқа шакллари тартибга солиш механизмларини узгарувчан ички ва ташки шароитларга мунтазам мослаштириб боришни, яъни оқилона ташки иктисодий сиёсат юргизишни талаб этади.

1-мавзу: Ўзбекистон Республикасида Божхона ишлари вужудга келиш тарихи.

Режа:

солдинги 6 асрдан бошлаб афина аҳолиси донни Мисрдан, Сицилиядан, кейинчалик эса Шимолий Кордангизбуйидан олганлигини қайд этади. Херсонес, Пантикапей, Феодосия каби шаҳар Кадимги Грециянинг ташки савдоси учун шунчалик муҳим эдики, улардан товар келтирилганлиги ва чиқарилганлиги учун бож ундирилмас эди. Грециянинг узида четдан келтирилган товарлардан олинган бож улар баҳосининг ундан бир қисмини ташкил этарди. Бироқ вақт ўтиши билан афиналиклар муътадил божлар савдонинг ривожланишига кумаклашади ва қўл даромад келтириши мумкин деган қарорга келдилар. Шу сабабли эрабиздан олдинги 4 асрда, Демосфен даврида бож товар баҳосининг йигирма, эллик, ҳатто юздан бир қисмигача қисқартирилди. Айрим буюмлар - қўроқ яроқ, ҳарбий ашёлар - умуман бож тулашдан озод этилган. Афинанинг барча иттифоқчилари бож имтиёзларига эга эдилар, улар ўз товарлар учун баҳосининг юздан бир қисми, қадим шаҳарлар йигирмадан бир қисми миқдорида бож тулашар эди.

Бож дегиз портларида ва шаҳар бозорларида йигилар эди. Қўруқликдаги божхоналар ҳам мавжуд эди. Божхонадаги операциялар қўшинлар билан душманлик муносабатлари мавжуд бўлган тақдирда чегаралар ёпилганда тўхтатилар эди. Бож одатда олтин ва қўмуш билан туланарди. Бож йиғиш айрим шахслар ёки гуруҳларга сотилар, улар оброули фуқаролардан бўлган қафилларга эга бўлишарди.

Урта асрларда божхона ишларининг ривожланиши халқаро савдонинг кенгайиши, давлатлар ва молиявий иктисодий муносабатларнинг қарор топиши билан мустаҳкам алоқадорликда давом этди. Христианликни ҳуқумронлик қилиши Европада божхона ишига катта таъсир қўрарди.

Масалан, Стасбургда 982 йилги мақом билан епископга шаҳарнинг турт юқори амалдорини: мер, граф, божхоначи ва ҳазиначини тайинлаш ҳуқуқи беришган эди.

Бироқ кейинроқ, 1249 йилдаёқ Фрайбург шаҳрида божхона амалдорини сайлаш ва, агар улар ўз вазифаларига виждонан муносабатда бўлмасалар, уларни лавозимидан бўшатиш ҳуқуқини фуқароларнинг узига берилди.

Страсбурглик божхоначилар вазифаларига, масалан, энг асосий солиқларни ундириш қарарди, айна вақтда ярмарка йиғимларини қалъа бошлиғи сифатида графнинг ўзи ундирар эди. Страсбург қўприқлари ва йўллари граф ва божхоначилар маблағлари эвазига сакланарди.

Парижда 12 асрда шаҳарга олиб қўришда барча хорижий товарлардангина эмас, балки бошқа француз шаҳарларининг ипак, полотно, ипдан қилинган буюмлардан, шунегдек мовут ва мўйнадан ҳам бож ундирилар эди.

1275 йилда Англия парламенти кинг Эдуард 1га импорт килинадиган винога ва экспорт килинадиган инглиз жунига бож бегилаш хукукини берди.

Бирок Европа мамлакатларида божхонанинг марказлашуви яна куп асрлар давом этди. Англия билан Шотландия уртасидаги божхоналар 1707 йилда, Англия билан Ирландия уртасидаги божхона заставалари эса факат 1823 йилда йук килинди. Францияда божхона бирлиги 1790 йилда вужудга келди. Австрия эса уз божхона сиёсатини 1775-1851 йилларда шакллантирди. Италияда божхона тусиклари 1859 йилда кулади, Германиянинг божхона жихатдан бирлашиши эса 1842 йилдан 1888 йилгача давом этди. Давлатнинг ички сиёсати мураккаблигига карамай, савдогарларнинг ташки савдо алокалари 15-18 асрларда феодал Европа мамлакатларининг меркантилизм деб аталган янги иктисодий сиёсатининг асосига айланди.

16 асрда Англияда олиб кириладиган товарлардан олинадиган бож 42 минг олиб чикиб кетиладиган товарлардан олинадиган бож 185 минг фунт стерлингни ташкил этар эди. 15-18 асрларда худудидан савдогарларнинг карвонлари Европадан Хиндистонга, Хиндистондан Европага утадиган Мисрда бож товар кийматинг салкам 15 фоизини ташкил этарди, 18 асрнинг охирларида келиб эса улар 35 фоизга етди ва ундан хам ошиб кетди. Имтиёзли тариф факат савдогарлар Пизадан етказиб берадиган темир ва ёғоч махсулотларга белгиланган.(10%) Кейинрок Хиндистонга Африкани айланиб утадиган денгиз йули очилиши ва португалияликлар томонидан Хурмуз ва Адан денгиз портлприни босиб олиниши товарларни мисир оркали олиб утишга катта таъсир утказди, бирок бунда божларнинг хаддан ортик эканлиги хам муайян урин тутди.

Францияда 1664 йилда бож йигимларинг фискал ахамияти хали кучли булган вақтда бож тарифи товарларни келтириш буйича 700 модда ва олиб чикиб кетиш буйича 900 моддадан иборат булган, Бу эса бож йигими майда чуйдасигача ишлаб чикилганлигидан далолат беради.

Канада 1975 йили декабр ойида протекционистик максадларда АКШдан гушт махсулотларига чеклаш жорий килганда, АКШ ушбу махсулотларнинг Канададан импорт килинишига каттик квота белгиланди, бу хол Канада иктисодиётига 100 миллион доллар зарар етказди, АКШ курган зарар эса Канадани курган зараридан 10 баравар кам булди.

АКШ 1975 йилда экспорт килувчи мамлакатлар томонидан нефть нархининг оширилишига жавобан нефть экспорт килувчи мамлакатлар ташкилоти аъзоси булган давлатларни тариф переферинцияларидан махрум килди.

Ривожланаётган мамлакатларнинг божхона сиёсати иктисодий ва сиёсий мустакилликни таъминлаш манфатлари, миллий иктисодиётни мустахкамлаш ва ривожлантириш максадларида олиб борилади. Масалан олиб кириладиган машина ва асбоб ускуналар, кимёвий товарлар ва материаллардан энг кам ставкаларда божлар ундирилган. Кишлоқ хужалиги махсулотлари, одатда божсиз импорт килинган. Кийим -бош ва уй рузгор буюмларига оширилган ставкалар кулланилган. Зеб-зийнат ва алкаголли ичимликларга энг юкори ставкаларда бож ундирилган.

Такибига солиқлар ва божларни ундириш хам кирадиган молиявий - иктисодий тизимнинг пухта фаолият курсатиши хар кандай тузумда давлат мавжуд булишининг иктисодий асоси хисобланади. Академик Б.Ахмедовнинг фикрига кура божхона органлари бундай тизимнинг бир кисми сифатида Марказий Осиёда кадим замонлардан бошлаб мавжуд булган. Чунки куп минг

йиллаб Шаркни Гарб билан боглаган Буюк Ипак йули Марказий Осиё худидан утган. Урта денгиздаги Суриянинг Анталья порти узок вақт Испания, Португалия, Венециядан товарларни ташувчи кемаларга хизмат килган. Бу кемалар Буюк Ипак йули оркали Хитой ва Японияга йул олганлар. Буюк Ипак йули оркали амалга ошириладиган савдога қайси даражада алоқадор булган барча давлатларнинг божхона органлари тажрибасини умумлаштириувчи қоидалар асрлар давомида такомиллаштирилди ва макбул ҳолига келтирилди. Агар қайсидир давлат ёки шаҳар божхона қоидаларини қаттиқлаштира, божлар ва йиғимлар ҳаддан ташқари қупайтирилса, қарвонлар уни четлаб ўтишни йулини қидирганлар: биргина Марказий Осиёда Буюк Ипак йулининг бир нечта шаҳобчаси мавжуд булган. Ушбу қарвонлар четлаб ўтган давлатлар эса анчагина даромадидан маҳрум бўлишар эди.

Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Марказий Осиёда ердан хирож ва таноб, товардан эса зақот ўндирилган. Қуръонга мувофиқ, ҳар бир мусулмон мол мулкининг қирқдан бир қисмини зақот қилар эди. Зақот шуненгдек қелаётган ва қетаётган ҳар бир қарвондан ҳам ўндирилар, шу сабабли зақотчилар қарвонлар ҳаракатини зийраклик билан қузатиб туришар эди. Шаҳардан ўтадиган ҳар қандай савдогар зақот олинадиган саройга тўхтаб ўтиши шарт булган. Бу ерда ўнинг товаридан 2,5 фоизли бож ўндирилар эди. Бундан ташқари, савдогар ҳар бир тўя ҳисобига ёрлик ёзилганлиги ўчун ҳам ҳақ тўлаганлар. Бу ёрлик тимпаек 54 овар хонлиқнинг барча аҳоли яшайдиган жойларидан эркин ўтишга қаролат беради. Амударёнинг Жанубий қирғоғида деярли барча шаҳар бож ўндириш ҳуқуқини ўзларига сақлаб қолган. Улар зақотни қонун бўйича эмас балки ўзбекистон қилганларича белгилашарди. Афғонистонда эса 2,5 фоиз эмас, балки 20 фоиз миқдорда зақот ўндирилган.

Қучманчилардан зақот натурада ўндирилган. Ҳар қирқ молдан биттаси зақот сифатида олинган. Зақотчи йиккан бутун мол- мулк хоннинг ҳазинасига қелиб тўшган. Бухоро хонлигининг қатта қисмини инглизлар ўзбекистон назорати остида тутиб турган Афғонистон билан чегарасида божхоналар ташқил этилган. Ўлқанинг Афғонистон билан савдо қилувчи бошқа туманларидан чиқувчи товарлар мана шу божхонадан ўтар эди.

Маълумки, Бухоро ҳукумати ўз вақтида Афғонистонга олиб қетилаётган товарларни бождан озод қилиш ҳақида фармоиш чиқарган бўлиб, бироқ бу фармоиш Бухоро девонхонасидан ташқарига чиқмаган.

Лекин шунга қарамай, божхона бирлашмаси давлатлар ўртасида савдо алоқаларини қенгайишида ўзбекистон аҳамиятига эга бўлди.

Марказий Осиё Россия томонидан босиб олинганидан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги ташқил этилди. 1893 йилда 11 та чегара пости ташқил этилди. Туркистон оқуриги шулардан бири бўлди. Туркистон оқуриғида 16 та божхона органи мавжуд эди. 1895 йилда Термиз шаҳрида Патта-Ғисар божхонаси ташқил этилди. Унда асосан Афғонистондан қелтирилган товарлардан божлар ўндирилар эди. Ҳар йили ушбу божхона пости оркали 2500 дан зиёд савдохонлар ўтарди. У пайтлари Афғонистон ҳудуди оркали Марказий Осиёга қуплаб қонтрабанда товарлари ҳам ўтқазилган.

1917 йилдан кейин ички ва ташқи савдо халқ комиссарлиғида 8 божхона оқуридан иборат божхона бошқармаси ташқил этилди. 1925 йилда божхона бошқармаси божхона бош бошқармасига айлантқрилди. Ўнинг таркибиде божхонанинг 11 та инспекторлик органи ва 266 та божхона бўлиб, уларда 5710 нафар ходим ишлар эди. Ўша йили Темиз шаҳридаги Патта-Ғисар божхонаси термиз божхонасига айлантқрилди. Халқ комиссарлиқлари

вазирликларга айлантирилганидан кейин Божхона бош бошкармаси ташки савдо вазирлиги таркибида қолдирилди.

1986 йилда Божхона бош бошкармаси СССР Министирлар Совети ҳузуридаги Давлат Божхона назорати бош бошкармасига айлантирилди.

Тошкент шаҳри собиқ СССР нинг жанубий дарвозаси ҳисобланиб, хориждан ўқиб келган самалётлар Тошкентда тўхтаб ўтар эди. Янги ҳаво йўлларини очилиши муносабати билан 1959 йил 14 апрелда Тошкент аэропортида Термиз божхонасига бўй синувчи божхона пости ташкил этилди.

Тошкент постида ҳаммаси бўлиб 3та ходим ишлаган. Уларга В.Новиков раҳбарлик қилган. Етмишинчи йилларда ташки иқтисодий алоқаларни ривожланишимуносабати билан ўшбу пост Тошкент божхонасига, 1988 йилда эса Ўзбекистон божхонасига айлантирилди.

1988-1989 йилларда Самарқанд, Бухоро, Наманган, Андижон, Қарши, Гулистон, Жиззах, Қукон, Навоий, Урганч, Чирчиқ, Олмалиқда божхона постлари ишга тушди.

Назорат саволлари:

1. Божхона иши нима?
2. Эрампдан олдинги божхона ишини қандай тасвур қиласиз?
3. Божхона ишини Урта асрлардаги ривож қандай бўлган?
4. Урта асрлардан божхона иши бўйича маълумотлар қандай етиб келган?
5. Урта асрларда божхоначилар савдо қарвонларига қандай хизмат қўратган?
6. Марказий Осиёда божхона иши тўғрисида гапиринг?
7. Ўзбекистон Республикасида божхона ишини вужудга қилиш тарихи тўғрисида гапиринг.
8. Пата –Гисар божхонаси нечанчи йилда ташкил этилган?
9. Нечанчи йилда божхона органи алоҳида давлат органи сифатида эълон қилинган

Асосий адабиётлар.

1. И.А.Қаримов – Ўзбекистон ХХI аср бусогасида: ҳавфсизликка таҳдид, бар=арорлик шартлари, тараккиёт қаролатлари. Т: Ўзбекистон, 1997 й
2. А.П.Қиреев – Международная экономика. М: Международный отношения, 1999 г
3. Международные экономические отношения, Учебник, под ред. И.Фоминского, М., Экономист, 2004 г
4. В.И.Фомичев – Международная торговля. М: Инфра- М, 2001 г
5. В.К.Ломакін – Мирова я экономика, П-изд., учебник, М., ЮНИТИ, 2004 г
6. Драганов В. «Основы таможенного дела», М., 1998
7. Под общ. Редакцией У.Қамилова «Основы таможенного дела», Т., ГТК РЎз, 1998 г.

Ўйшимча адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси «Таш=и и=тисодий фаолият тўғрисида» ги +онунни. Т: Иқтисодий ва шу=у= дунеси, 2001 й
2. И.В.Малкова – Мирова я экономика, В вопросах и ответах. М., Проспект, 2004 г.
3. Н.Қиражиддинов, А.Абдураззақов – ВТО: создание, принципы и процедуры вступления. Ж: Экономическое обозрение №6 (46), 2003 г
4. Таможенное дело, Учебник, 2004 г. www.professiya.ru/textbook-condetailhtml?13/12-6K.
5. www.tdiu.uz. ТДИУ вебсайти
6. www.customs.uz. Давлат Божхона =ымитаси вебсайти

2–мавзу: Давлатни савдо-тариф сиесати назарияси.

Режа:

1. Бож тарифи ташки иктисодий фаолиятни тартибга солишни асосий воситаси.
2. Тарифни мамлакат иктисодиетига таъсири.
3. Тарифни кулланишини ижобий ва салбий томонлари.

Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солишда, жаҳон амалиетида куп қулланиладиган усуллардан бири тариф усулидир. Тариф усулини асосини бож тарифи, яъни божхона чегараси орқали олиб утилаётган ташки иктисодий фаолият товар номенклатураси принциплари ва қоидаларига асосан бир тизимга солинган товарларга нисбатан қулланиладиган бож ставкалари туплами ташкил этади.

Бож тарифини таърифидан шуни айтиш мумкинки, ихтиерий мамлакатни бож тарифи божхона божларини аниқ ставкаларидан иборатдир.

Божхона божи – товарларни импорт еки экспорт қилишда, божхона органлари томонидан ундириладиган ва экспорт еки импортни шароитини белгиловчи туланиши лозим бўлган взносдир.

Божхона божлари моҳиятига қура, ўрта асосий вазифани бажарадилар:

- Фискаль, бу вазифа ҳам импорт ва ҳам экспорт божларига тегишлидир. Чунки бу божлар давлат бюджетини тулдириш манбаларидан биридир.

- Протекционистик (химоя), бу вазифа фақат импорт божларига тааллуқлидир. Чунки улар ердамида давлат маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатчиларидан химоя қилади.

- Баланслаштирувчи, яъни мамлакат ички бозоридаги нархи жаҳон бозоридаги нархлардан паст бўлган товарларни мамлакат ҳудудан экспорт қилинишини олдини олиш. Бу вазифа экспорт божларига тегишлидир.

Дуне ҳужалиги амалиетида ташки иктисодий фаолиятни тартибга солишда давлат томонидан қулланиладиган божларни қулланилиш мақсадига, тартибига, объектига ва яна бошқа белгиларга қура қуйидагича классификациялаш мумкин. Божларни бундай классификацияланиши уларни қуллашни иктисодий мазмунини аниқлаш имконияти беради.

Божхона божлари ундирилиш тартибига қура:

- Адвалор – бу бож тури божхона чегараси орқали олиб утилаётган товарлар ва транспорт воситаларини божхона қийматидан фоизда ҳисобланади. Одатда бундай божлар бир товар гуруҳига мансуб бўлган ҳар хил сифат курсаткичларига эга бўлган товарларга нисбатан қулланилади. Адвалор божларни, шу гуруҳга мансуб бошқа бож турларидан фарклантирувчи қучли томони шундаки, божга тортиладиган товарни нархини тебранишидан қатъий назар, адвалор бож ички бозорни бир даражада химоя қилади. Фақат давлат бюджетига тушаётган даромад миқдори ўзгариши мумкин.

Мисол: Агар бож товарни баҳосини 20%ни ташкил этса, товарни нархи 200 долларга тенг бўлган ҳолда давлат бюджетини даромади 49 долларни ташкил этади. Товар нархи 300 долларгача ошса, бюджет даромади 60 долларни, агарда 100 долларга қамайса, даромад миқдори 20 долларга қамаяди. Лекин иккала ҳолда ҳам ички бозорни химоя қилиш даражаси 20%ни ташкил этади, яъни товарни нархи 20%га ошган ҳолда ички бозорга қириб боради.

Адвалор божни қамчилик томони шундан иборатки, бу бож товарни божхона қийматини ҳисоблашни тақозо этади. Товарни қиймати ҳар хил

иктисодий ва маъмурий омиллар таъсирида узгариб туришини ҳисобга оладиган булсак, адволар божни куллаш баҳолашни субъективлиги билан боғлиқдир.

Божни ундирилиш тартибига кура иккинчи тури – хос божлардир. Бу божни кийматини божга тортиладиган товрани бирлигидан белгиланган катталиқда ҳисобланади.

Бу белгига кура божни яна бир тури, юкорида келтирилган иккала бож турини узида мужассамлаштирган аралаш бождир.

Жахон хужалиги амалиетида кулланиладиган ундирилиш объектига кура белгига асосан синфланадиган яна бир гурухи – импорт ва экспорт ва транзит божларидир. Бу божларни жахон хужалигига кирувчи барча давлатлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида куллайдилар.

Импорт божлари импорт товарларига, уларни мамлакат ички бозорида эркин алмашувига чиқарганда кулланилади. Бу бож жаҳондаги барча давлатлар уртасида томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш учун кулланилади.

Экспорт божлари экспорт товарларига, уларни божхона чегарасидан ташқарига чиқаришда кулланилади. Бу божлар мамлакатлар томонидан жуда ҳам кам ҳолларда кулланилади. Одатда улар алоҳида олинган товарларга, уларни жаҳон бозорларидаги эркин нархлари билан ички бозордаги тартибга солинадиган даҳолари уртасидаги катта тафовут ҳолида экспортни қисқартириш ва бюджетини тулдириш мақсадида кулланилади.

Транзит божлари шу давлат ҳудудидан транзит сифатида олиб утилетган товарларга нисбатан кулланилади. Амалиетда жуда кам учрайди, асосан савдо уруши воситаси сифатида кулланилади.

Характерига кура божхона божлари:

Мавсумий фаслий характерига эга булган маҳсулотларни асосан кишлок зҳужалик маҳсулотларини халқаро савдони тезкор равишда тартибга солишда кулланиладиган божларга. Одатда бундай божларни кулланиш муддати бир йилда бир неча ойдан ошмайди ва уларни куллаш даврида бож тарифини мавсумий божларга тортиладиган товарлар буйича таъсири тухтатилади.

Агарда мамлакат боожхона ҳудудига олиб кирилетган товарларни нархи, шу товарлар ишлаб чиқарилган давлатдаги нормал нормал нархидан паст булса ва бундай олиб кириш ҳудди шундай товарларни ишлаб чиқаретган маҳаллий қорхоналарга иқтисодий зарар етказса еки ишлаб чиқариш жараенини қенгайтиришга тусиклик қилса, у ҳолда бундай товарларга нисбатан демпингга қарши бож кулланилади.

Компенсацион божлар эса шундай импорт товарларига нисбатан кулланиладики, агарда бундай товарларни ишлаб чиқариб, ташқил жараенларида бевосита ва билвосита субсидиялардан фойдаланилган булса.

Импорт тарифини ҳар бир давлат иқтисодиети таъсири ҳар хил булиб, уни таъсир даражаси ҳар бир давлатнинг дуне хужалигидаги иқтисодий салмогига боғлиқ

Мисол учун Хитой XX аср бошларида иқтисодий томондан қичик давлат булиб, божхона қоидаларини бузилишига молик давлат булган булса, ҳозирга қелиб эса у дуне хужалигида узига хос салмокка эга булган давлатга айланди.

Халкаро иктисодиетда давлат кичик давлат дейилади, агарда у томонидан импорт товарларига булган талабни узгариши дуне микесида уларни бахосини узгаришига олиб келмаса.

Давлат катта хисобланади, агар у томонидан импорт товарларига булган талабни узгариши дуне микесида бахони узгаришига олиб келса.

Дунедаги купгина давлатлар халкаро иктисодиет нуктаи назаридан кичик давлатлар хисобланади, чунончи улар томонидан импорт товарларига булган талабни узгариши, уларни дуне микесидаги бахоларини узгаришига олиб келинади.

Буни куйидаги мисол оркали курамиз. Моделлни 3 боскичини куриб чикамиз:

- Товар давлат худудида ишлаб чикарилади ва шу худудда истеъмол килинади, яъни ташки савдо фаолияти бошлангунга кадар.

- Эркин савдо шароитида яъни четдан товарлар импорти хеч кандай тусиклар билан чегараланмаган.

- Импорт тарифи киритилгандан сунг.

Ташки савдо бошлангунга кадар кичик давлат Е нуктага тугри келган миқдордаги товарни ишлаб чикаради ва истеъмол килади. Бу S_d - ерда ички таклиф тугри чизиги, D_d - ички талаб тугри чизиги.

Расмдан куришиб турибдики давлат 50 бирликдаги товарни хар бирини 9,5 доллардан ишлаб чикаради ва истеъмол килади.

Эркин савдо холида. Давлат жахон савдоси учун очилади ва шуни аниқлайдики, уни товарларини дуне микесидаги бахоси P_w , уни мамлакат ичкарисидаги баходан кичик экан.

Дуне бозори бу давлатга чегараланмаган миқдордаги товарни бахода етказиб беради, бу холда таклиф чизиги $S_d + w$ горизонтал тугри чизик билан ифодаланади ва у истеъмолчилар учун бу нархда ҳам ички манбалардан ҳам ташки манбалардан маъкул булган товарлар миқдорини белгилайди. Эркин савдо шароитида талаб ва таклифни F нуктада эришилади. Бу нуктада товарга булган талаб миқдори Q_5 тенг булиб, унинг атиги Q_1 миқдорини ички таклиф ташкил этади, колган етишмаётган кисми яъни $Q_1 Q_5$ миқдордаги товар импорт килинади. Импорт натижасида товарни ички бахоси P_d даражадан P_w даражага пасаяди ва махаллий ишлаб чикарувчилар бу бахода $Q_3 Q_1$ миқдорида кам товар сотадилар.

Импорт хисобига товарни ички бозордаги бахоси даражадан даражагача пасаяди, истеъмол эса 80 бирликка ошади. Ички ишлаб чикариш эса 20 бирликгача камаяди. Истеъмолни кондириш учун давлат 60 бирлик товарни импорт килишга мажбур булади.

Тариф киритилгандан сунг. Хукумат четдан арзонрок товарларни олиб келиши натижасида зарар кураётган миллий ишлаб чикарувчиларни химоя килиш максидида импорт таклифини киритади. Гап кичик давлат тугрисида кетаётганлиги боис, унинг томонидан импорт тарифини киритилиши товарларни дуне бахосига таъсир курсата олмайди ва дуне бахоси узгармай қолади.

Бу дегани давлатни савдо сотик шароитлари узгармайди, факат импорт товарини бахоси, тариф киритилиши натижасида, P_w дан $P_w + t$ га ошади. бунинг натижасида умумий таклиф чизиги юкорига, киритилган тариф миқдорида тенг катталиқка кутарилади, яъни $S_d + w + t$ га тенг булади. Таклифни бу янги даражасида ички талаб ва умумий таклиф (ички ва ташки) тенглигига G нуктада эришилади, бу холда импорт тарифини киритилиши натижасида ички ишлаб чикариш хажми $Q_1 Q_2$ миқдорида ошади. Ички талаб миқдори эса $Q_5 Q_4$

микдориға камаяди. Импорт микдори эса Q1Q5 дан Q2Q4 га камаяди. Шундай килиб тарифни киритилиши ички истеъмолни камайишига, ички ишлаб чикаришни эса ошишига, бу эса импортни камайишига олиб келади.

Тарифни киритилиши натижасини товар бирлигини ички бахоси 8 дан 9 долларга ошди, ички истеъмол микдори эса 80 бирликдан 60 бирликка камайди, ички ишлаб чикариш 20 бирликдан 40 бирликгача ошди ва импорт 60 бирликдан 320 бирликгача камайди. Импортга нисбатан тарифни белгилаунга кадар истеъмол буйича ортикчалик сигментлар йигиндисига тенг булиб, яъни истеъмолчилар ички ва ташки таклифни умумий микдориға тугри келган тугри чизик ва ички талаб тугри чизиги билан чегараланган микдордаги товарни истеъмол килаётган эдилар.

Тарифни киритилиши натижасида умумий таклиф чизиги импорт тарифи микдориға тенг катталикка юкориға кутарилди ва истеъмол буйича ортикчалик га камайди.

Умуман олганда тарифни киритилиши натижасида икки гуруҳ иктисодий самарага – кайта таксимлаш самарасиға даромад (самараси, таксимлаш самараси) ва йукотиш самарасиға (химоя ва истеъмол самарасиға эришилган).

Даромад самараси импорт товарларни импорт божларига тортилиши натижасида давлат бюджети даромадлари ошиши билан ифодаланади. Даромад самараси мамлакат иктисодиети учун йукотишни белгиламайди, истеъмолчилар учун у йукотишдир. Даромадни хусусий сектордан давлат секториға харакати амалга ошади.

Таксимлаш самараси – даромадни истеъмолчиларни импорт билан рақобалашувчи махсулот ишлаб чикарувчиларга таксимланишидир. Импорт тарифи киритилиши натижасида ишлаб чикарувчилар томонидан олинган кушимча даромад билан кушимча товар ишлаб чикариш учун кетган ишлаб чикариш харажатлари уртасидаги фарқдир.

Расмдан шуни куриш мумкинки, импорт тарифи химоясида истеъмолчилар ички бозорда 40 бирлик товарни 9 доллардан сотиб оладилар. Бунинг учун 360 доллар сарфлайдилар. Агар тариф киритилмаганда эди, 40 бирлик товарни сотиб олиш учун 320 доллар сарфланган булар эдилар. Шундай килиб тарифни киритилиши натижасида махаллий ишлаб чикарувчилар $360 - 320 = 40$ доллари даромад оладилар. Импортга тариф киритилиши натижасида махаллий ишлаб чикариш хажми 20 дан 40 бирликка ошди. Шунинг натижасида даромадни ошиши махаллий ишлаб чикарувчилар томонидан ишлаб чикариш харажатларини оширишга олиб келади. $b = (40 - 20) * \$1/2 = 10$

Махаллий ишлаб чикарувчиларни даромадини усишида $40 - 10 = 30$ долларни кайта таксимлаш даражаси умуман олганда давлатни иктисодий холатини емонлашувига олиб келинади. Энди бож тарифини катта давлат иктисодиетига таъсирини куриб чикамиз.

Агар импорт килувчи давлат иктисодий томонидан дуне хужалигига катта мавкеига эга булса, яъни у томонидан импорт тарифини киритилиши импорт товари буйича дуне бахосига таъсир килса, у холда импорт тарифини давлат иктисодиетига таъсири куйидагича аникланади.

Катта давлат учун импорт тарифини киритилиши нафакат ички бозорни чет эл рақобатчиларидан химоя килиш воситаси булади, балки бу давлатни ташки дуне билан савдо сотик шарт-шароитларини яхшилаш воситаси булиб хизмат килади.

Катта давлатни хатти-харакатларини монополистни хатти-харакатларига ухшаши мумкин. Монополист товарни камрок сотиб олиш орқали

уни баҳосини туширига ҳаракат қилади. Чунки катта давлат бу товарни катта миқдорда импорт қилади ва у томонидан импорт тарифини киритилиши бу товар буйича жами товарни сезиларли даражада камийишига олиб келади. Бунинг натижасида товар утказиб берувчилар товар нарҳини туширишга мажбур буладилар.

Импорт товарларига нарҳини пасайиши, экспорт товарларига булган нарҳни узгармаслигида, давлатни савдо шарт-шароитларини яхшилашга олиб келади.

Назорат саволлари:

1. Божхона тарифи ва уни асосий функциялари.
2. Божхона божларини қандай туркумлаш мумкин?
3. Импорт божларини куллашни и=тисодий аъамияти.
4. Номинал, ызгарувчан ва хакикий тарифни даражаси қандай ҳисобланади?
5. Тариф эскалацияси нима?
6. Кичик давлат томонидан киритилган импорт тарифини и=тисодий самаралари.
7. Катта давлат томонидан киритилган импорт тарифини и=тисодий самаралари.
8. Тарифни кичик ва катта давлат иктисодиетларига таъсири уртасида =андай фар= бор?
9. Қандай тариф оптимал тариф ҳисобланади?
10. Тариф квотаси нима?
11. Экспорт тарифини импорт тарифи иктисодиетидан фар=и нимада?
12. Тарифни киритилиши тарафдорлари билан қаршилари қандай аргументлардан фойдаланадилар?

Асосий адабиетлар.

1. И.А.Каримов – Ўзбекистон буюк келажак сари, Т: Ўзбекистон, 2000 й
2. А.П.Киреев – Международная экономика. М: Международные отношения, 1999 г
3. В.Б.Буглай, Н.Н.Ливенцев – Международные экономические отношения. М: Финансы статистика, 1996 г
4. В.Г.Свиныхов – Таможенно-тарифное регулирование ВЭД. М: Экономист, 2004 г.
5. Международные экономические отношения, Учебник, Под ред. И.П.Фоминского, М., Экономист, 2004 г.
6. И.И.Дюмулен – ВТО, М., Экономика, 2003 г.

+ышимча адабиетлар.

1. Ўзбекистон Республикаси «Таш=и и=тисодий фаолият т\рисида» ги +онуни. Т: Иктисодиет ва шу=у= дунеси, 2001 й
2. Ўзбекистон Республикасини «Бож тарифи т\рисида»ги +онуни. Т: Иктисодиет ва шу=у= дунеси, 1997 й
3. И.В.Малкова – Мировая экономика. В вопросах и ответах, М., Проспект, 2004 г.
4. Н.Сиражидинов, А.Абдураззаков – ВТО: создание, принципы и процедуры вступления. Ж: Экономическое обозрение №6 (46), 2003 г
5. Таможенное дело, Учебник, 2004 г. www.professiya.ru/textbook-condetailhtml?13/12-6K.
6. www.tdiu.uz. ТДИУ вебсайти
7. www.customs.uz. Давлат Божхона =ымитаси вебсайти
8. www.customs.ru. Россия Божхона Академияси вебсайти

3-мавзу: Ташки иктисодий фаолиятни мохияти, ахамияти ва мақсадлари.

Режа:

1. Ташки иктисодий фаолиятни мохияти ва ахамияти.
2. Ташки иктисодий фаолиятни ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
3. Ўзбекистон Республикасида ташки иктисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш.

Дунё хужалигининг XX аср охиридаги фаолиятини ўзига хос хусусиятларидан бири – давлатлар ўртасидаги халқаро иктисодий муносабатларни янада ривожланиши ва такомиллаштиришидир.

Ҳар бир давлат бу шароитда ўз ташки иктисодий фаолиятини ўз иктисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хужалигига интеграциялашув жараёнларини, ҳар томонлама ўйлаган ҳолда, ташкил этишга қаратган бўлади.

Ташки иктисодий фаолиятни амалга оширишни асосий шароитларидан бири бўлмиш – ташки савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли асосан савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташки савдони тартибга солиш чора тadbирларини ишлаб чиқаришга, қўллашга қаратилган бўлади.

Бу чора тadbирлар дунё хужалигида маълум устиворликларга эришишга қаратилган бўлади. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, ташки савдони давлат томонидан тартибга солиш:

- бир томонлама, яъни давлат томонидан ишлаб чиқилган чора тadbирлар давлат органлари томонидан савдо бўйича шерик давлатлар билан келишилмасдан ва улар билан маслахатлашмаган ҳолда қўлланилади.

Одатда бирор бир давлат томонидан амалга оширилаётган бир томонлама чора тadbирлар, бошқа давлатлар томонидан худди шундай тартибда қабул қилинган чора тadbирларни қарама-қарши ҳолда қўллашга олиб келади.

Бу эса ўз навбатида савдо бўйича шерик давлатлар ўртасида сиёсий зиддиятларни пайдо бўлишига олиб келади.

- икки томонлама, яъни савдо сиёсати қоралари ўзаро шерик бўлган давлатлар ўртасида келишилган ҳолда амалга оширилади.

- куп томонлама, яъни давлатларни савдо сиёсатини келишилган холда, куп томонлама шартномалар асосида амалга оширилади.

Давлатни халқаро савдо жараёнларига аралашуви даражасига кура халқаро савдо сиёсати протекционистик савдо сиёсатига ҳамда эркин савдо сиёсатига булинади.

Эркин савдо – давлатни ташки савдо жараёнларига аралашувини камайиши, яъни ташки савдони эркин бозор талаби ва таклифига асосан ривожланиш.

Протекционистик – тариф ва нотаиф усулларни куллаш оркали ички бозорни чет ракобатчиларидан химоя килишга каратилган давлат сиёсати.

Буларнинг кайси бири кандай афзаликка эга, эга эмаслиги бир биридан устунлиги иктисодчилар уртасида куп йиллар давомида мавжуд булиб келган тортишувларнинг асосидир. Ташки савдо амалиёти тарихида бир савдо сиёсатидан иккинчи савдо сиёсатига утиш даврларини кузатиш мумкин.

50-60 йилларда дуне хужалиги иктисодиёти учун протекционистик сиёсатидан эркин савдо сиёсатига утиш хос булган.

70– йилларнинг бошларда эса тескари тенденция, яни эркин савдо сиёсатидан тарифлар оркали айникса нотаиф усуллари ёрдамида ички бозорни химоя килиш сиёсатига утиш кузатила бошлади.

Бу ерда шуни таъкидлаб утиш лозимки, замонавий протекционизм нисбатан тор сохаларда амалга оширила бошлади. Мисол учун, ривожланган давлатлар уртасида кишлок хужалиги, текистил саноати ва кийим кечак ишлаб чиқаришда булса, ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар уртасида – ривожланаётган давлатларни саноат товарлари экспорти сохасида.

Протекционистик тенденция тараккиёти протекционизмни бир неча шаклларга ажратиш имконини беради:

- селетив протекционизм – айрим давлатлар, айрим товарларга карши каратилган.

- соха протекционизми - халк хужалигини маълум сохасини химоя килишга (кишлок хужалиги) каратилган.

- коллектив протекционизм – маълум давлатлар гурухи томонидан шу гурухга кирмаган давлатларга нисбатан кулланиладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Эркин савдо сиёсати яхшими ёки протекционистик савдо сиёсатими?

Бу масала доимо иктисодчиларни кизиктириб келган.

Хозирги кундаги иктисодиётни янада глобаллаштириш шароитида иктисодиётни очиклаштиришига интилиш конунийдир.

Галверт университетида 115 та давлат буйича утказилган илмий изланишлар шуни курсатадики, ёпик иктисодиёт сиёсатини олиб бораётган давлатларда ички ялпи махсулот хажмини йиллик усиши 0,7% ни ташкил килган бир пайтда, очик иктисодиёт сиёсатини олиб бораётганда бу курсаткич уртача 5 марта юкори булди. (Албатта очик ташки иктисодийсиесатни олиб боришни яхши ривожланган ва тез суратлар билан ривожланаётган давлатлар олиб бораётирлар). Лекин хозирги кунда протекционизм сиёсатининг баъзи бир тадбирлари барча давлатларда бор. Ривожланган давлатлар учун тариф эскалацияси уринлидир, яъни хом ашё ва тайёр махсулотларга белгиланган импорт божлари уртасидаги катта фарк. ГАТТни Уругвай раундидан сунг ривожланган давлатлар томонидан олиб чиқилаётган хом ашёга белгиланган тариф ставкалари, тайёр махсулотларга белгиланган ставкаларга нисбатан 3,5

баровар кам ва тайёр махсулотларга куйилган ставкаларга нисбатан эса 7,5 баровар кам булди.

Мустакилликнинг дастлабки кунлариданок ташки иктисодий мажмуани бошқаришнинг узига хос тизимларини тезкор шакллантириш, ташки алоқаларни йулга қуйиш, тамойилларини ишлаб чиқиш, республиканинг жаҳон иктисодий тизимига интеграциялашуви йулларини мустакил белгилаб олиш вазифаси қуйилган эди. Айни пайтда, республика ҳукумати томонидан ташки иктисодий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора тadbирларни амалга оширилиши ва зарурий ҳуқуқий асосларнинг яратилиши Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий мамлакатлар юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан узаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини урнатилиши ва ривожлантиришига имкон берди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Ташки иктисодий фаолият тугрисида» ги Қонуннинг қабул қилиниши ташки иктисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш асосий тамойилларини белгилаб берди. Мазкур қонуннинг 17 – моддасига биноан ташки иктисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йуллар билан амалга оширилади:

- ташки иктисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш;
- валюта сиёсати орқали тартибга солиш;
- солиқ сиёсати орқали тартибга солиш;
- тариф ва нотаиф дастаклар орқали тартибга солиш;
- Ўзбекистон Республикасининг иктисодий манфаатларига риоя этилиши учун химоя, компенсация ва демпингга қарши чораларни қўллаш;
- ташки савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар урнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини урнатиш;
- олиб қилинадиган ва олиб чиқилнадиган товарларни сертификатлаш;
- техникавий, формақология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш;
- ташки иктисодий фаолият субъектлари учун преференция ва имтиёзлар бериш.

Республикада олиб қилинаётган «Очиқ эшиклар сиёсати» - савдо иктисодий алоқаларни эркин ва жадал ривожлантириб бориш, икки томонлама ва қўп томонлама асосда тенг ҳуқуқи ва узаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини қўнғайтириш, рақобат ва ҳамкорлик уртасидаги ҳақиқий мувозанатни таъминлаш замонавий техника ва технологияларни республикага олиб қилинадиган хорижий инвесторлар ва алоҳида мамлакатларга нисбатан қўлай савдо режимини шакллантириш, халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий меъерларига нисбатан устиворлигини тан олиш, ГАТТ/ЖСТ принциплари ва қоидаларига амал қилиш асосида ташки савдо режимини босқичма – босқич эркинлаштириш ва республиканинг мазкур ташкилотига интеграциялашиб боришини таъминлаш сингари бир қатор мақсадларга қаратилгандир. 2000 – 2001 йиллар Ўзбекистон Республикаси ҳукумат томонидан миллий иктисодиётни янада эркинлаштириш бўйича фаол чора тadbирларни амалга ошириш йиллари булди. Ҳозирги пайтда иктисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг устивор йуналишларидан бири, республика ҳукумати томонидан ички валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган чора

тадбирларнинг амалга оширилаётганидир. Хусусан, 2000 – 2001 йиллар давомида мазкур йуналишда қабул қилинган меъёрий актлар валютани тартибга солиш соҳасини янада эркинлаштириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

Қупчилик мамлакатлар узи ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг халқаро бозорларда айирбошлашни яхшилаш мақсадида уларни халқаро стандарт талабларига мослаштиришга ҳаракат қиладилар. Ўзбекистонда ҳам ташқи савдо фаолиятини бошқаришда бир қатор иқтисодий дастаклардан фойдаланилади. Хусусан, Ўзбекистон ҳудудига олиб кириладиган товарлар ҳам республикада амал қиладиган техник, формақологик, санитар, ветеринар, фитосанитар, экологик стандарт талабларига жавоб бериши. Юқорида қайд этилган стандарт ва талабларга жавоб бермайдиган, сертификатсиз, махсус белгисиз товарларни мамлакат ҳудудига олиб кириш таъқиқланади. Республика ҳукумати импортни камайтиришга, саноатни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда. Хусусан, дон, гушт, сут маҳсулотлари импортини камайтиришга қаратилган кескин чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, сифатсиз маҳсулотларга эга бўлган нархи баланд ёки ноқонуний импорт қилинган маҳсулотларга эга бўлган импортерларни чет эл валютасига эга бўлмасликларини қаролатловчи чора тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида товарлар экспорти ва импорти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакиллик органлари томонидан бериладиган махсус рухсатнома асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси президентининг 1998 йил 18 февралдаги «Импорт операцияларини тартибга солишнинг қушимча чора тадбирлари тўғрисида» ги Фармонида асосан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида фақат эркин алмашинадиган валюта (СКВ) га эга бўлган ҳужалик юритувчи субъектларининг импорт шартномаларини рўйхатга олиниши қўзда тутилади. Солиқ солиниши шарт бўлган товарлар мажмуи, шунингдек лицензиялаш ва солиққа тортиш тартиблари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади. Бироқ лицензиялашни амалга ошириш аксарият ҳолларида экспорт ва импортни чегаралаш орқали ташқи савдо ривожланишига салбий таъсир қўрсатиши ҳам мумкин.

Сўнги йилларда Республика ҳукумати томонидан ташқи савдо фаолиятини янада кенгайтириш, мамлакат экспорт салоҳиятини юқалтиришга қаратилган стратегик сиёсатнинг амалган оширилиши, республика ташқи савдо балансида ижобий сальдога таъминлаш ва муддати узайтирилган ташқи қарздорликнинг камайтириш имконини берди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қредит мажбуриятларини бажариш, мамлакат олтин валюта захираларини кенгайтириш, ички валюта бозорини эркинлаштиришга қаратилган чора тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш имконияти тўғулди. Хусусан, 2000 йилга қелиб республика ташқи савдо оборотининг ҳажми 1991 йилга нисбатан қарийб 12 баробарига ўсди ва бундай натижага Ўзбекистон экспорти номенклатураси тартибига қирувчи ҳом ашё товарларига нисбатан жаҳон баҳоларининг қарийб 20 – 40 фоизга пасайиб қетиши шароитида эришилди. Шунингдек, ташқи савдонинг жүгрофия тузилмасида ҳам кескин ўзгаришлар содир бўлди ва унинг кенгайиб бориш аломатлари қўзатилди. Ҳолбуки, 1991 йилда у амалда фақат МДХ мамлакатлари томон йўналтирилган бўлса, 2000 йил якуний натижаларига қараганда республика ташқи савдосида ўзқ хорижий мамлакатларнинг ўлуши 63%ни, товарлар ва

хизматлар экспортида эса 64,1%ни ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси ташки иктисодий сиёсатининг устивор йуналишлари сифатида АКШ ва Европа иттифоки мамлакатлари билан куп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш буйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Бундан ташқари, Ташки савдода МДХ мамлакатлари билан ҳам анча ижобий натижаларга эришилмоқда. Фикримизча, минтакавий барқарорлик, минтака даражасидаги интеграция жараёнларини ривожлантириш масалаларини баратраф этишда МДХ давлатлари билан устивор иктисодий алоқаларни ривожлантириш, эркин савдо зоналарини ташкил этиш ва МДХ мамлакатларига ўзбек товарларини экспорт қилиш учун асосий бозорлардан бири сифатида қараш лозимдир. Ҳозирги пайтда республика экспорти дуненинг 80 дан ортиқ мамлакатлари томон қаратилган бўлиб, унинг таркибини иктисодий таҳлили этиш шуни қурсатадики, сунгги йилларда аънавий хом ашё товарлари билан бир қаторда, турли қуринишдаги жихозлар, озик овқат маҳсулотлари, хизматлари, самолёт, автомобиллар ва шунингдек, бошқа тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда, яъни экспорт таркибида қийматга эга бўлган маҳсулотлар улуши салмоқли даражада ўсган. Республикада 900 турдаги янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини йўлга қуйиш орқали экспорт таркиби босқичма босқич кенгайтирилди. 2000 йилнинг якуний натижаларига қўра, экспорт умумий ҳажмида қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотлар улуши 36%ни ташкил этди. Вақоланки, 1998 йилда бу қўрсатқич атиги 25 %га тенг бўлган эди. Бўгунги қўнда Ўзбекистон Республикасининг асосий мақсади, энг аввало, ташки савдони тарифлар орқали тартибга солишнинг нисбатан самарали усулларига қаратилгандир. Айни пайтда, ташки савдони ривожлантириш учун зарурий инфратўзилма яратилган бўлиб, ташки иктисодий фаолиятда иштирок этувчи қўрхоналарнинг сони 2000 йилда 5000 тани, қўрижий мамлакатларда ташкил этилган савдо ўйлар, вақолатхоналар ва қўшма қўрхоналар сони эса 200 тани ташкил этди.

Давлат ташки иктисодий сиёсатининг энг муҳим жихатларидан бири бу мамлакат иктисодиётига қўрижий инвестициялар жалб қилиш буйича лойиб борилаётган сиёсат ҳисобланади. Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг қўламли солиқ имтиёзлари тизими яратилган ва шунингдек, қўрижий инвестициялар иштирокидаги қўрхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи бир қатор қўра тадбирлар ишлаб чиқилган. Қўрб екпертларининг фикрича, яратилган бундай имтиёзлар тизими МДХ мамлакатлари ичида энг мақбул ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида фаол инвестиция сиёсатини амалга оширишдан бош мақсад миллий иктисодиётни турли соҳаларда таркибий ўзгаришларни жадал амалга ошириш, табиий хом ашё ресурсларини замонавий технологиялар асосида қўқур қайта ишлаш ҳам ички, ҳам ташки бозор талабларига жавоб берадиган рақобатдош маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Ўзбекистон Республикаси иктисодиётининг реал соҳаларига жалб этилган қўрижий инвестицияларнинг умумий ҳажми қўрийб 12 млрд. АКШ долларини ташкил этди.

Республика ҳудудида қўрижий капитал иштирокида 3800 та қўшма қўрхоналар ташкил этилди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўзақ қўрижий мамлакатларининг 38 таси билан қўлай савдо иктисодий режимига эга бўлиб, ўлар билан «Инвестицияларни ҳимоя қилиш ва ўзаро кенгайтириб бориш тўғрисида» ги битимни имзолаган.

Бизнингча, мамлакат иктисодиёти ва жаҳон иктисодиёти тизимида руй бераётган мураккаб вазиятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакат иктисодиёти узишнинг таъминлаш ва аҳоли турмуш шароити юксалтиришга қаратилган ташки иктисодий сиёсатни янада такомиллаштириш зарур. Ташки иктисодий сиёсат соҳасида белгиланган стратегик вазифаларни амалга ошириш учун: мамлакат иктисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишини янада жадаллаштириш, анъанавий экспорт маҳсулотлари рақобатдошлигини ошириш ва улар экспорт номенклатурасини кенгайтириб бориш; қўшилган қийматга эга бўлган экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини янада қўпайтириш орқалигина эришиш мумкин.

Утган давр мобайнида Ўзбекистон Республикасида ташки иктисодий фаолиятни қўллаб қўвватлаш бўйича янги инфратузилма институтлари ташкил этилган бўлиб, у ўз ичига хорижий инвестицияларни сугурталаш «Ўзбекинвест» миллий компанияси, «Ўзиинвестлойиха» инжирининг компанияси, ривожланган банк тизимлари, маслаҳат ва лизинг компаниялари қамраб олади. Гарчи, мамлакатда ташки савдо инфратузилмасини такомиллаштириш ва мамлакат салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган иктисодий ислохотлар амалга оширилаётган бўлсада, экспорт таркибида ҳамон ҳамон ҳам ашё маҳсулотлари устунлик мақомини эгаллаб келмоқда. Бой табиий ва қўлай иқлим шароитларига эга бўлган Ўзбекистон ҳозирга қадар анъанавий равишда дуненинг қўпчилиқ мамлакатлари бозорларига қишлоқ ҳужалиги ва унга туташ бўлган саноат тармоқлари маҳсулотларини етказиб бериш билан шугулланади. Хусусан 2000 йилда қўруқ мевалар ва ёнғоклар экспорти 1,6 баробарга қўл мевалар ва сабзавотлар 1,5 баробарга саноат ва табиий мақсадларда усимлик экспорти эса 1,2 баробарга ортди. Шунга қарамайдан, Ўзбекистон экспортида озиқ овқат маҳсулотлари ўлуши 5,4 %ни, импортида эса 12,3 %ни ташкил этган. Бундан қўриниб турибдики, зарурий озиқ овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилиш бўйича ўлкан имқониятларга эга бўлган Ўзбекистон уни истеъмол қилиш бўйича жаҳон хорижий бозорларига боғлиқ бўлиб қўлмоқда. Қўлбуқи, ҳозирги пайтда ўзқ хорижий мамлакатларда ҳам республиқамизда етиштиралаётган меваларнинг мазасига ва юқори сифатга эга бўлган вино маҳсулотларига юқак баҳо берилаётган бўлиб, Ўзбекистон қўрхоналарига қишлоқ ҳужалига маҳсулотларини қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ўзқ ва яқин хорижий мамлакатлар бозорларида ҳам ўз харидларига эга бўлиши мумкин. Айни пайтда Ўзбекистонда мева сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш орқали тайер экспортқўп товарларни яратиш имқониятлари маъжуддир. Бундай маҳсулотларнинг яратилиши қишлоқ жойларида мулкчилиқ шаклларини ўзгариши, ҳужалиқ юритиш шаклларини бозор муносабатлари асосида ривожлантириш ва такомиллаштиришни, мева сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи бир қатор қўрхоналарни қамонавий техника ва технологиялар асосида моделезация қилишни назарда тутди.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иктисодий ҳамжамиятига интеграллашуви ҳамда яқин ва ўзқ хорижий мамлакатлар билан янги турдаги ташки иктисодий алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги нафакат янғича қўрхоналарни ташкил этиш, балки маъжуд ишлаб чиқариш қўрхоналарини модернизация қили шва техник жихатдан қайта қўроллантириш ва шунинг, юқори қўшилган қийматулушига эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминловчи янги қамонавий, илқор қўрхоналарга ташкил этишга қаратилди. Рақобатқўп товарлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш қўрхоналарнинг самарали ишлаши ва беқийёс ривожланишининг зарурий шароити бўлиб қўлмоқда. Барча

турдаги янги товарлар саноат тармоклари, хорижий инвестициялар иштирокидаги кушма корхоналар, кичик ва урта бизнес корхоналари томонидан узгартириб борилмоқда. Турли фаолият соҳалари бўйича янги корхоналарнинг ташкил этилиши, янги саноат тармоклари, хусусан, автомобилсозликни ривожлантирилиши пировард натижада Ўзбекистон товар абороти таркибида, унинг экспорт ва импорти ўз ифодасини топмоқда. Хусусан Республика саноат тармоклари бўйича турли машиналар ва жихозлар экспорти 2000 йилда 8,3 фоизга узгарди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар купрок янги хорижий мамлакатлар томон жунатилмоқда. 2000 йилда уларнинг экспорти 1,3 баробарга ортган. Хусусан, «Ўз ДЭУ авто», «СамКочАвто» кушма корхоналарида ишлаб чиқарилган автомобиллар МДХ мамлакатлари бозорларида ўз харидорларига эга бўлиб, улар харид нархининг нисбатан пастлиги, мустахкамлиги ва сифат курсаткичларининг юқорилиги билан ажралиб туради. Бирок, Ўзбекистон ишлаб чиқарилаётган автомобиллар ва автобуслар экспортини узок хорижий мамлакатларга тугри келадиган хиссаси ҳозирча унчалик катта миқдорни ташкил этмайди.

Бизнингча, Ўзбекистон автомобилсозлик маҳсулотлари экспортини кенгайтириш стратегияси ривожланган узок хорижий мамлакатларга эмас, балки ривожланаётган узок хорижий мамлакатлари томон қартилмоги лозимдир. Чунки, ривожланган хорижий мамлакатлар бозорлари сегментининг катта қисми дунёда автомобилсозлик саноати бўйича шуҳрат қозонган йирик транснационал корпорациялар томонидан запт этилган бўлиб, ўшбу ҳолат Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомашиналарнинг маъмур бозорларида айрибош қилиш имкониятларини қегаралаб қуяди ёки харид нархларининг тушишага сабабчи бўлади.

Республикада ишлаб чиқарилган автомобиллар ва автобуслар харид нархларининг нисбатан пастлиги ривожланаётган мамлакатлар бозорлари учун айна мудоодир. Қолаверса, ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган турдош маҳсулотлар сифати унчалик юқори даражада эмаслиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан тараккий этмаган бўлиб, улар ҳам ривожланган мамлакатларда замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқарилган сифати юқори, бирок нархи қиммат бўлган автомашиналарни сотиб олиш имкониятларига эга эмасдирлар. Айна пайтда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган автомашиналар экспортини ривожланаётган мамлакатлар томон кенгайтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Республикада ташқи савдо муаммолари билан махсус шуғулланадиган илмий тадқиқот институтларининг йуқлиги, маъмурларининг эса ўшбу масалалар билан деярли шуғулланмаслиги оқибатида илмий асосланган тавсиялардан амалиётда қойдаланиш имкониятлари деярли қегаралангандир. Фикримизча, бозор субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қиладиган, шунинг дек макро ва микро иқтисодий муаммоларини тулик тадқиқ эти шорқали ташқи савдони такомиллаштириш ва ривожлантириш борасида илмий асосланган тавсиялар билан узлуксиз таъминланиб турадиган рақобатдош ташқи савдо илмий тадқиқот институтлари ва ташқи иқтисодий муаммолари бўйича мустахкам ва амалий илмий тажрибалар олиб борадиган илмий текшириш марказларини шакллантириш ута муҳимдир. Ташқи иқтисодий сиёсатда ечилиши лозим бўлган муҳим масалалардан яна бири бу экспортларни давлат томонидан қуллаб қувватлаш тизимининг

яратилишидир. Дуненинг купчилик мамлакатлари узининг потнциал экспортларига ахборотлар бериш, савдо кургазмаларини ташкил эти шва чет элда бизнес фаолиятини олиб бориш учун алока урнатиш кабиҳизматларни таклиф этади. Бевосита ва билвосита субсидиялар мамлакатдаги соҳаларга, мамлакат ичида ва ташқарисида хорижий маҳсулотлар билан рақобат қила олишлари чун берилади. Иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг асосий қисми уз экспортларига қредит ҳатарини сугурта қилиш борасида қатта имқониятлар яратиб беради. Бу эса хорижга чиқарилган товарлар тулови ҳавфини қамайтиради. Экспортни муваффақиятли амалга ошириш учун мамлакатда мустаҳкам макроиқтисодий шарт шароитлар яратиш, яъни мустаҳкам валюта алмашилиш курсини урнатиш лозимдир. Экспортларни макроиқтисодий курсаткичларнинг истикболдаги ҳолатдан хабар қилиш, вазиятни тугри баҳолаб шартномаларни имзолашга ургатиш аккредит очиш шартлари билан яқиндан таништириш ва шунингдек улар валюта алмаштириш жараенида ишончли шароитларни яратиб бериш лозим.

Бундан ташқари, келгусиди, Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва ташқи иқтисодий мажмуани янада такомиллаштириш борасида қуйидаги масалаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир:

- Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари манфаатларини ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда ҳимоя қилиш;
- Миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашувини рағбатлантиришга қаратилган зарурий шарт-шароитларни яратиш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиш тизимларини янада ривожлантириш;
- Экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш;
- Ишлаб чиқарувчилар ва экспортлар фаолиятини ҳар тарафлама қўллаб қувватловчи тизимларни янада такомиллаштириш;
- Иқтисодиётнинг барча жаҳаларида рақобадор ва илм талаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мулжалланган халқаро стандартларни жорий этиш;
- Хорижий мамлакатлар билан замонавий технологияларни стандартлаштириш, метрология ва сифатни сертификация қилиш соҳасида ҳамкорлик қилиш қўламини янада кенгайтириш;
- Халқаро стандарт талабларига мос равишда сифат устидан назоратни жорий этиш;
- Тугридан тугри хорижий инвестицияларни жалб эти шва халқаро стандартларга жавоб берадиган ҳамда жаҳон бозорида рақобатдор бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш мақсадида мамлакатнинг турли ҳудудларида қўшма қорхоналар яратилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан савдо – иқтисодий ва молиявий ҳамкорликларни янада қўчайтириш;
- Кичик ва урта бизнес субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятни ривожланишига ҳамкорлик қилиш;
- Халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш орқали экспорт товарларнинг транспортда ташиш ҳаражатларини қамайтириш;

Фикримизча, ташки иктисодий фаолиятни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришга тускинлик килиб кетаётган бундай бундай масалаларнинг уз вақтида бартараф этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон иктисодий ҳамжамиятида самарали иштирок этиши имконини беради.

Назорат саволлари:

1. Мамлакатнинг экспорт сиёсати ва уни асосий маъсадлари.
2. Импорт сиёсатини асосий маъсадлари нимага қаратилган?
3. Инвестиция сиёсати ва уни экспорт-импорт сиёсатлари билан ўзаро боғлиқлиги.
4. Валюта сиёсатини асосий вазифалари.
5. Ўзбекистонда валюта сиёсатининг шуъуъий асослари.
6. Ташқи иқтисодий сиёсатни шаклланишини белгиловчи асосий омиллар.
7. Божхона сиёсати ва уни мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти.
8. Ўзбекистон Республикасини божхона сиёсатини шаклланиш босқичлари.
9. Иқтисодий сиёсат деганда нимани тушунаси?
10. Импорт товарларини ўрнини босувчи товарларни ишлаб чиқаришни ижобий томонлари нимада?

Асосий адабиётлар.

1. И.А.Каримов – Ўзбекистон ХХI аср бусогасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараккиёт қафолатлари. Т: Ўзбекистон, 1997 й
2. А.П.Киреев – Международная экономика. М: Международные отношения, 1999 г
3. Международные экономические отношения, Учебник, под ред. И.Фоминского, М., Экономист, 2004 г
4. В.И.Фомичев – Международная торговля. М: Инфра- М, 2001 г
5. В.К.Ломакин – Мировая экономика, П-изд., учебник, М., ЮНИТИ, 2004 г.

Ўқимчи адабиётлар.

- Ўзбекистон Республикаси «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» ги қонуни. Т: Иқтисодий ва шуъуъ дунеси, 2001 й
- И.В.Малкова – Мировая экономика, В вопросах и ответах. М., Проспект, 2004 г.
- Н.Сиражиддинов, А.Абдураззаков – ВТО: создание, принципы и процедуры вступления. Ж: Экономическое обозрение №6 (46), 2003 г
4. Таможенное дело, Учебник, 2004 г. [www.professiya.ru/textbook - condetailhtml?](http://www.professiya.ru/textbook - condetailhtml?13/12-6 К)
 5. www.tdiu.uz. ТДИУ вебсайти
 6. www.customs.uz. Давлат Божхона қўмитаси вебсайти
 7. www.bilimdon.uz. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим Вазирлиги вебсайти
 8. www.customs.ru. Россия Божхона Академияси вебсайти

4- мавзу: ТИФ ни ташкил этиш, бошқариш ва тартибга солиш давлат сиёсати.

Режа:

1. Ташки савдо сиёсатини асосий мохияти ва мақсадлари.
2. ТИФ ни либераллаштириш.
3. Молиявий капиталлар бозори ва уни эркинлаштириш.

Бозор ислохотлари Янги стратегиясининг асосий йуналишларидан бири, ташки иктисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишни оптималлаштириш ҳисобланади. Мамлакатнинг иктисодий мустахкамланиши, барқарор ривожланиши, унинг жаҳон ҳужалиги тизимига муваффақиятли интеграциялашуви куп жихатдан давлатнинг барча қуринишидаги ташки иктисодий сиёсатни (ТИС) эркинлаштиришга боғлиқ.

Ташки иктисодий фаолиятни (ТИФ) оқилона тартибга солиш иктисодий ривожланишда давлат стратегиясининг музим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса уз навбатида мамлакатнинг узига ҳос ички ва ташки шароитларини инобатга олган ҳолда, жаҳон бозорининг салбий узгаришларидан ҳимоя қилувчи, унда эгалланган мавқеларни сақлаб қоли шва кенгайтиришни таъминловчи оптимал даражада протекционизм ва эркин савдо сиёсати қулланилишини тақазо этади.

Утиш даври иктисодиётини бошидан кечираётган мамлакат иктисодий алоқаларини кенгайтириш учун узини эркин бозор гирдобига ташлаб қуя олмайди. Бундай шароитда давлатнинг ривожлантириш қафолати сифатида фаол қатнашувига зарурият тугилади. Бозор муносабатларига утишнинг илк босқияларида ташки иктисодий алоқаларнинг (ТИА) давлат томонидан тартибга солиниши айниқса муҳимдир. Бу эса биринчи навбатда ташки савдони ва ташки иктисодий фаолиятни бошқа шакллари тартибга солиш механизмларини узгарувчан ички ва ташки шароитларга мунтазам мослаштириб боришни, яъни оқилона ташки иктисодий сиёсат юргизишни талаб этади.

ТИС мохиятини қуриб чиқишдан олдин Ушбу тушунча мазмунини аниқлаштириб олиш зарур.

ТИА ларни давлат томонидан тартибга солиш – бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий иктисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида, мамлакат ички ва ташки иктисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан ташки иктисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида прогрессив қилжишларни рағбатлантириш, хорижий капиталлар оқимини қучайтиришга йунатирилган вақолатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилиқ, ижроия ва назорат қилиш йуналишидаги қора тадбирлар тизимидир.

Бу ташки иктисодий сиёсатнинг энг умумий таърифидир. Ушбу тарифни аниқлаштириш учун ташки иктисодий сиёсат давлат ички ва ташки сиёсатининг таркибий қисми эканлиги таъқидлаш жоиздир.

Биринчидан утиш даври шароитида ташки иктисодий сиёсат янги иктисодий уклад шаклланишининг муҳим омили, иктисодий ҳаётнинг бозор муносабатларига қонанд илгор шакллари қарпо этишнинг қоситаси ҳисобланади ва қатъий марказлаштирилга режали иктисодиётнинг қодинамик, қотиб қолган шаклларида қескин фарқ қилади. У иктисодий маъмурий қора тадбирлардан қойдаланиб, ички иктисодий сиёсатнинг қуйидаги бир қатор асосий қазифаларини ҳал этишга йуналтирилган:

- Миллий иктисодиётнинг ҳар қомонлама ривожланишини рағбатлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлаш;
- Ички бозорни ҳимоя қилиш;

- Таркибий кайта узгаришлар амалга оширилишига кумаклашиш;
- Мамлакат ҳудудларидаги ресурслардан фойдаланиш ва ҳаказолар.

Иккинчидан, пухта уйланган ва мувозанатли ташки иктисодий сиёсат давлат ташки сиёсатининг ажралмас қисми сифатида мамлакатнинг ташки иктисодий манфаатларини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади, миллий иктисодиётни жаҳон бозорларидан ҳимоя қилишга, унинг жаҳон ҳужалилгига уйғунлашиши учун фаол кумаклашишга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг ташки иктисодий сиёсат жаҳондаги сиёсий ва ижтимоий – иктисодий шарт – шароитлар нисбатан тез ўзгараётганлигини ҳисобга олиб, жушқин, ҳаракатчан, мослашувчан бўлиши зарур. Айтилиши мумкин, республикамиз жаҳон ҳужалилгига қўшилиётган бир шароитда, гап иктисодий суверенитет, ватан иктисодиётини рағбатлантириш, мамлакатнинг тўғри манфаатларига риоя қилиш тўғрисида борар экан, бунинг учун етарлича барқарор бўлиши талаб этилади. Бунган ташки иктисодий сиёсат ўз ривожланишининг илмий асосланган концепсиясига таянганидагина эришиш мумкин.

Шундай қилиб ташки иктисодий сиёсат – бу давлатнинг ташки иктисодий алоқаларини тартибга солиш шорқали мамлакатнинг ишлаб чиқариш омиллари халқаро тақсимотида қатнашуви самарасини оширишга қаратилган муайян ҳаракатлар мажмуидир. Унинг асосий қўринишлари ташки савдо сиёсати (алоҳида экспорт ва импорт сиёсатини ўз ичига олади), ташки сармоялар сиёсати, валюта муносабатларини тартибга солиш сиёсатидан иборат. Бундан ташқари алоҳида олинган давлатлар ва минтақалар билан ташки иктисодий операцияларни жўғрофий жиҳатдан мувозанлаштириш масалаларини ҳам ТИС ҳал этадики, бу ҳол ўз навбатида, мамлакатнинг иктисодий ҳавфсизлигини таъминлаш билан боғланган.

ТИФни эркинлаштириш деганда, энг аввало ТИА қатнашувчиларининг эркинлиги ва иктисодий мустиқчилигини ошириш, ташки савдони тартибга солиш маъмурий услўбларининг маълум қадар қисқариши, мавжуд тусиква қўғларнинг барқараф қилиниши тушунилади. Бу мутлақо муқаррар, ички иктисодий муносабатлар эркинлашувининг мантаний натижаларидир. Самарали бозор мезанизми қўғқатгина жаҳон бозор муносабатлари билан ўзвий алоқада ташқил қилинган бўлиши мумкин. Яна бунда энг муҳими турли мамлакатлар иктисодий ва ҳуқуқий шакллариининг маълум даражада ухшашлигидир. ТИС ни эркинлаштириш ислохатларни амалга ошириш имқониятларини қўғайтиради, утиш даври иктисодиёти масалалари ечимимни тезлаштиради.

Бундай эркинлаштиришнинг асосий шакллари- хорижий инвестицияларнинг мамлакатга қўриб қелишини қўғайтираш, ТИА ларнинг давлат томонидан марқазлашган ҳолда бошқарилишига барҳам бериш, импорт қилиш қараёнидаги ортиқча тусикларни олиб ташқлаш, экспортни ривожланишини қўғллаштириш, миллий валютанинг қўнвертация қилинишини таъминлашдир.

Бу шакллар жаҳон тажрибаси қўрсатганидек, амалдаги бозор механизмлариини қўчайтиради. Бирок улар тулик ҳолда ҳатто ривожланган бозор иктисодиётида ҳам қўлланмайди. Миллий ишлаб чиқаришни ҳимоя қилган ҳолда, давлат маълум чекланишларни урнатади, божхона тарифларидан қўғ фойдаланади, турли хил таъқиқларни қўритади ва ҳаказолар. Бозор механизми энди шаклланаётган, мавжуд ишлаб чиқариш тизими бозор шароитларига ҳали

тулик мослашмаган утиш даври иктисодиётда давлатнинг роли янада муҳимдир.

Шунинг учун утиш даври иктисодиётида ТИА ни эркинлаштириш сиёсати ички миллий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга зарар келтирмагани холда, мамлакатда бозор муносабатларининг тезкор ривожланишини ва унинг жаҳон ҳужалигига уйғун қилишини мақбул даражада таъминлаши зарур.

Молиявий капитал бозорининг очиклик даражаси алоҳида масала сифатида қуриб чиқилиши мумкин. Шак-шубҳасиз очиклик даражаси биринчи навбатда инвестицияларни бевосита жалб қилишни таъминлаши зарур. Бирок портфел инвестициялар шунингдек урта ва киска муддатли кредитларни жалб этиш анча мураккаб масала. Яқинда қузатилган Жанубий – Шарқий Осиё мамлакатларидаги молиявий тенглик шуни курсатадики, мамлакатдан капиталларни бирданига қиб кетиш жараёни юз берганда киска муддатли капиталлар эркин ҳаракати иктисод ривожланишига салбий таъсир қурсатиши мумкин. Шу билан бирга, кредит ва фонд ресурслари эркин ҳаракатининг мушкуллаштирилиши, табиийки, миллий ҳужалик имкониятларини чеклайди.

Валюта бозорининг эркинлаштирилиши миллий валютанинг конвертация қилиниши, авваламбор жорий операциялар бўйича конвертация қилинишини таъминлашни билдиради. Унинг таъминланганлиги – ТИА Лар ривожланиши учун жиддий тусиқдир. Валюта бозорининг тулик либераллашуви, албатта капитал ҳисоби бўйича конвертация қилиниши ҳам қузда тутди. Бирок молиявий тизим самараси паст бўлган мамлакатлар валютанинг тулик конвертация қилинишига шошилмасликлари мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон мустиқликка эришган дастлабки йилларида ТИФ ни амалга оширишда на зарурий институтларга, на етарли мутахассисларга, на самарали урнатилган алоқаларга эга эди. Шунинг учун бошланғич босқичда ўз ТИС ни ишлаб чиқиш ва юргизишда қата қийинчиликларга дуч келди.

Босқичма – босқич амалга оширилаётган эркинлаштириш натижасида Ўзбекистон ташқи савдо режими халқаро амалаёт меъёрларига ва талабларига борган сари яқинлашмоқда: лицензиялаштириладиган товарлар рўйхати қисқарди; миқдорий чеклашлар борган сари тарифлар асосида тартибга солинмоқда; эркин конвертация қилинаган валюта ўзи ишлаб чиқарган рақобатдош тайёр маҳсулотларни экспорт қилувчи қорхоналар учун, шунингдек хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳаси, айниқса қата экспорт салоҳиятига эга бўлган тармоқларга жалб қилишни рағбатлантирувчи имтиёзлар тизими ўзлуксиз равишда такомиллашиб бoмоқда. Инвестицион қуийилмаларни сугурта қилиш тизими ривожланиб бoрмоқда, молиялаштиришнинг энг мураккаб схемаларини қуллаш асосида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий инфратузилмалар шаклланимоқда.

Бирок мамлакатнинг ташқи иктисодий имкониятларидан тулик фойдаланишга тусиқ бўлаётган салбий ҳолатлар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда.

Назорат саволлари:

1. Ташқи иктисодий фаолиятни тартибга солинишини зарурлиги нимада?
2. Миллий иктисодиётни ривожланишини рағбатлантириш.
3. Ички бозорни ҳимоя қилишни иктисодий моҳияти.
4. Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий ривожланишини асосий қираткичларини шозирги шолати.

5. Ўзбекистонда ТИФни таш=ил этиш ва бош=аришни шу=у=ий асослари.
6. ТИФни таш=ил этиш, бош=ариш давлат таш=илотлари ва уларни асосий вазифалари.
7. ТИФ ни тартибга солишда божхона органларини урни кандай?
8. ТИФ деганда нимани тушунаси?
9. ТИФ ни ривожлантириш бўйича кандай имтиёзлар берилади?
10. Экспортга қаратилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришни аҳамияти тугрисида гапиринг.

Асосий адабиётлар.

1. И.А.Каримов – Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, бар=арорлик шартлари, тараққиёт қафолатлари. Т: Ўзбекистон, 1997 й
2. А.П.Киреев – Международная экономика. М: Международные отношения, 1999 г
3. В.Г.Свиных – Таможенно-тарифное регулирование ВЭД, М: Экономист, 2004 г.
4. Е.Ф.Авдокушин – Международные экономические отношения. М: ИВЦ «Маркетинг», 1997 г
5. Международные экономические отношения, Учебник, М., Инфра-М, 2004г.
6. Международные экономические отношения, Учебник, М., Проспект, 2004г.

Ўқимчи адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси «Таш=и и=тисодий фаолият тугрисида» ги қонуни. Т: Иқтисодиёт ва шу=у= дунеси, 2001 й
2. И.И.Дюмулен – Всемирная торговая организация. М: Торговая – промышленная палата РФ, 1997 г
3. Таможенное дело, Учебник, 2004 г. [www.professiya.ru/textbook-condetailhtml?13/12-6 K](http://www.professiya.ru/textbook-condetailhtml?13/12-6_K).
4. www.customs.uz. Давлат Божхона қўмитаси вебсайти
5. www.customs.ru. Россия Божхона Академияси вебсайти

5–мавзу: Ташки иктисодий фаолиятни давлат бошқаруви воситалари.

Режа:

1. Халқаро савдода давлатни роли.
2. Ташки иктисодий фаолиятни давлат бошқаруви воситалари ва уларни синфланиши.
3. Ўзбекистонда ташки иктисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш.

Дуне хужалигининг XX аср охирларидаги фаолиятини узига хос хусусиятларидан бири – давлатлар уртасидаги халқаро иктисодий муносабатларни янада ривожланиши ва такомиллаштиришидир.

Хар бир давлат бу шароитда ўз ташки иктисодий фаолиятини ўз иктисодиётини хар томонлама ривожлантириш, дуне хужалигига интеграциялашув жараёнларини, хар томонлама уйлаган ҳолда, ташкил этишга қаратган бўлади.

Ташки иктисодий фаолиятни амалга оширишни асосий шаклларида булмиш – ташки савдони (экспорт ва импорт жараёнларини) амалга оширишда давлатнинг роли асосан савдо сиёсатини амалга ошириш ва ташки савдони тартибга солиш чора тадбирларини чиқаришга, куллашга қаратилган бўлади. Хар бир мамлакатдаги савдо сиёсатида иктисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий ҳуқуқий ва бошқа масалалар ўзвий боғлангандир. Савдо сиёсатини тўб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда иктисодий масалалар асосий ҳисобланади.

Мамлакатлар ўз ички бозорларини химоя қилиш, чет эл бозорларига кўпроқ товарлар чиқариш мақсадида ташки иктисодий фаолиятларни савдо сиёсатини мавжуд воситалари ердамида тартибга соладилар.

Ташки иктисодий фаолиятни тартибга солиш давлат воситалари характерида кура таъриф – яъни бож тарифини куллашга асосланган ва нотариф – бошқа барча воситаларга бўлинади.

Ташки иктисодий фаолиятни айниқса ташки савдо фаолиятини тартибга солишда, мавжуд усуллардан қайси биридан фойдаланиш муаммоси вужудга келади.

Бу чора тадбирлар дуне хужалигида маълум устиворликларга эришишга қаратилган бўлади. Дуне тажрибаси шани курсатадики, ташкии савдони давлат томонидан тартибга солиш:

Бир томонлама, яъни давлат томонидан ишлаб чиқилган чора тадбирлар давлат органлари томонидан савдо буйича шерик давлатлар билан келишмасликдан ва улар билан маслаҳатлашмаган ҳолда кулланилади. Одатда бирор бир давлат томонидан амалга ошириладиган бир томонлама чора тадбирлар, бошқа давлатлар томонидан худди шундай тартибда қабул қилинган чора тадбирларни қарама қарши тарзда куллашга олиб келади. Бу эса ўз навбатида савдо буйича шерик давлатлар уртасида сиёсий зиддиятларни пайдо бўлишига ва кескинлашувига олиб келади.

- Икки томонлама, яни савдо сиёсати чоралари ўзаро шерик бўлган давлатлар уртасида келишилган ҳолда амалга оширилади. Мисол учун ўзаро келишилган ҳолда хар бир томон томонидан иктисодий манфаатларига зиён етказмаган ҳолда, конвенцион божлар кулланилиши, мамлакатлар товарларини

кадокланишига, белгисига куйилган техник сабалар, сифат сертификатларини узао тан олиши тугрисида келишиб олишлари мумкин.

- Куп томонлама, яъни савдо сиесати келишилган холда, куп томонлама шартномалар асосида амалга оширилади.

Давлатни халқаро савдо жараенларига аралашуви даражасига кура халқаро савдо сиесати протекционистик савдо сиесатига ҳамда эркин савдо сиесатига бўлинади.

Эркин савдо – давлатни ташки савдо жараенларига аралашувини камайиши, яъни ташки савдони эркин бозор талаби ва таклифига асосан ривожланиш.

Протекционизм – тариф ва нотаиф усулларини куллаш оркали ички бозорни чет эл ракобатчиларидан химоя каратилган давлат сиесати.

Буларнинг кайси бири кандай афзалликка эга, эга эмаслиги бир биридан устунлиги иктисодчилар уртасида куп йиллар мавжуд бўлиб келган тортишувларнинг асосидир. Ташки савдо амалиети тарихида бир савдо сиесатидан иккинчи савдо сиесатига утиш даврларини кузатиш мумкин.

50-60 йилларда дуне хужалиги иктисодиети учун протекционистик сиесатидан эркин савдо сиесатига утиш хос булди.

70 йилларнинг бошларида эса тескари тенденция, яъни эркин савдо сиесатидан тарифлар оркали айникса нотаиф усуллари ердамида ички бозорни химоя килиш сиесатига утиш кузатила бошлади.

Бу ерда шуни таъкидлаб утиш лозимки, замонавий протекционизм нисбатан тор сохаларда амалга оширила бошлади. Мисол учун, ривожланган давлатлар уртасида кишлок хужалиги, текистил саноати ва кийим—кечак ишлаб чиқаришда булса ривожланган давлатлар билан ривожланаётган давлатлар уртасида – ривожланаётган давлатларни саноат товарлари экспорти сохасида, ривонаётган давлатлар уртасида эса уларга хос анъанавий товарлар савдоси сохасида.

Протекционистик тенденция тараккиети протекционизмни бир неча шаклларга ажратиш имконини беради:

- Селектив протекционизм- айрим давлатлар, айрим товарларга карши каратилган.

- Соха протекционизми – халқ хужалигини маълум сохасини химоя килишга (кишлок хужалиги) каратилаган.

- Коллектив протекционизм – маълум давлатлар гурухи томонидан шу гурухга кирмаган давлатларга нисбатан кулланиладиган чора тадбирларни ишлаб чиқишдир.

Эркин савдо сиесати яхшими еки протекционистик савдо сиесатими?

Бу масала доимо иктисодчиларни кизиктириб келган.

Хозирги кундаги иктисодиетни янада глобаллаштириш шароитида иктисодиетни очиклаштиришига интилиш конунийдир.

Гарверд университетида 115 давлат буйича илмий изланишлар шуни курсатадики епик иктисодиет сиесатини олиб бораётган давлатларда ички ялпи махсулот хажмини йиллик усиши 0,7%ни ташкил килган бир пайтда очик иктисодиет сиесатини олиб бораётганда бу курсаткич уртача 5 марта юкори булди. (Албатта очик ташки иктисодий сиесатни олиб боришни яхши ривожланган ва тез суратлар билан ривожланаётган давлатлар олиб бораёптилар). Лекин хозирги кунда протекционизм сиесатининг баъзи бир тадбирлари барча давлатларда бор. Ривожланган давлатлар учун тариф эсколацияси уринлидир, яъни хом-аше ва тайер махсулотларга белгилан импорт

божлари уртасидаги фарк. ГАТТни Уругвай раундидан сунг ривожланган давлатлар томонидан олиб чикилаётган хом ашега белгиланган тариф ставкалари, тайер махсулотлари ставкаларига нисбатан 3,5 баровар кам ва тайер махсулотларга куйилган ставкаларга 7,5 баровар кам булди.

Давлатнинг савдо сиесатида купгина масалалар узаро бир бирига богланиб кетади. Булар иктисодий, сиесий, маъмурий, ташкилий, ҳукукий ва бошка масалалардир.

Халқаро иктисод аввало иктисодий масалаларни ва савдо сиесатини окибатларини урганади.

Савдо сиесатида мужассамланган бошка масалаларни эса фанни ихтисослашган йуналишлари урганади.

Халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш усуллари мохиятига кура 2 гуруҳга булинади. Божхона тарифларига асосланган тариф усулларига (иктисодий билвосита), ҳамда нотариф (маъмурий бевосита) усуллари.

Нотариф усуллари уз навбатида меъерий усулларга ва куринмас протекционизм усулларинга булинади. Савдо сиесатининг баъзибир усуллари купинча чеклашни экспортни куллаб кувватлаш учун кулланилади.

Халқаро савдода давлатнинг асосий вазифаси – узлари ишлаб чиқарган махсулотларини иложи борица четга олиб чиқишлари учун экспортчиларни куллаб-куввалаш, уларни товарларини халқаро бозордаги рақобатбардошлик даражасини ошириш, ички бозорда чет эл товарларини рақобатбардошлик даражасини пасайтириш мақсадида импортни чегаралашдир.

Шунинг учун давлат томонидан тартибга солиш усулларида бир қисми ички бозорни чел эл рақобатидан ҳимоя қилишга, яъни импортни чегаралашга қаратилган. Усулларни бошка қисмини асосий мақсади экспортни жадаллаштиришга қаратилгандир.

Олдинги мавзулардан шуни англаш мумкинки, халқаро савдони давлат томонидан тартибга солиш бир томонлама, икки томонлама ва куп томонлама булиши мумкин. Халқаро савдони тартибга солиш давлат воситалари бож тарифини куллашга асосланган тариф ва барча бошка усулларга асосланган нотариф турларига булинади. Давлатни ташқи савдо сиесати, ички бозорни чет эл рақобатига очиш билан боғлиқ булган эркин савдо сиесатидан, ички бозорни чет эл рақобатидан ҳимоя қилишга қаратилган протекционистик савдо сиесатидан еки узида эркин савдо ва протекционистик сиесати элементларини маълум пропозицияда муътадил савдо сиесатидан иборат булиши мумкин. Купчилик давлатларда ҳукуматнинг халқаро савдо соҳасидаги асосий вазифаси – экспортчиларга иложи борица куп махсулотларини четга чиқаришларига ва уларни товарларини халқаро бозорлардаги рақобатдошлиги оширишга кумаклашишдан ва импортни чегаралаб, чел эл товарларини ички бозордаги рақобатбардошлик даражасидан туширишдан иборатдир.

Халқаро савдони тартибга солиш давлат механизмларини мамлакатни иктисодий ҳолатини таъсирини истеъмолчи томонидан истеъмол қилинаётган товарларни ортиқчалиги ва ишлаб чиқарувчини ишлаб чиқарган товарларини ортиқчалиги тушунчалари тушунчалари билан ифодалаш мумкин.

- Истеъмолчи томонидан истеъмол қилинаётган товарларни ортиқчалиги – бу истеъмолчи томонидан сотиб олинган товарни баҳоси билан шу товарни сотиб олиши мумкин булган максимал баҳоси уртасидаги фарк тушунилади.

Савдо сиесатини характери.

Хар хил давлатлар уз савдо сиесатини амалга ошириш учун халқаро савдони тартибга солиш давлат воситаларини хар хил турларидан ва усулларидан фойдаланадилар. Агарда давлат божхона химоясини уртача даражасини аниқ миқдорий жиҳатдан баҳолаш мумкин бўлса, нотаиф усулларини куллаш даражаси, уларни хилма хиллиги ва хар хил иқтисодий мазмунга эғалигидан, миқдорий жиҳатдан тақрибий баҳолаши мумкин.

Товарни уртача даражаси одатда фақат импорт божига тортиладиган товарлар учун ҳисобланади. Уни қиймати импорт тарифига тортиладиган товарларни ҳажмини баҳосига нисбатан импорт божини уртача ставкаси қурилишида ифодаланади, яъни

$$T_{cp} = \frac{P_{им1} + P_{им2} + \dots + P_{имn}}{Q_{т1} + Q_{т2} + \dots + Q_{тn}}$$

Бу ерда $Q_{тn}$ импорт божига тортиладиган товарлар импорт нархи, $P_{имn}$ импорт божини ставкаси.

Нотаиф чегаралашни уртача даражаси эса шу чегаралашларга тугри келадиган импорт еки экспорт улушини баҳоси сифатида ҳисобланади. Бу ерда бу чегаралашларни кулланилиш интенсивлигига қараб узгартиришлар қилинади. Мисол учун, қерақли ҳужжатларни тақдим этилиши билан, давлат органлари томонидан берилладиган автоматик лицензия экспортни белгиланган миқдордан ортиқ товарни экспорт қилишни тасдиқловчи экспорт квотасига нисбатан қам даражада чегаралайди. Давлатни савдо сиесати протекционистик, умаренный еки очик(эркин савдо) бўлиши мумкин. Бу тушунчаларни хар бири нисбий мазмунга эға бўлиб, бир тугри қизикни икки экстримал нукталари уртасида жойлашган бўладилар. Экстримал нукталарни бир-бирини мазмуни шундан иборатки, давлатни тартибга солиш қуроллари таъқиқловчи мазмунга эға бўлиб, ташқи дуне билан савдо сотикни тухталиши билан ва иккинчи нукта давлат ташқи савдо йуналишида ҳеч қандай савдо қуролларидан фойдаланилмайди.

Хар бир давлат савдо сиесатини у еки бу воситаларини куллаш бўйича қарор қилиш олдидан, кулланиладиган воситаларни давлат савдо сиесати қарақтерига таъсирини ва шерик давлатлар томонидан жавоб чегаралари кулланилиши мумкинлигини урганиб қизиқ лозим.

Савдо сиесати қораларини баҳолаш мақсадида иқтисодий ҳамқорлик ва таракқиет халқаро ташқилоти томонидан 1985 йили индикатив саволнома мамлақатлар ҳукуматлари амалиети қенг кулланилади.

Савдо сиесатини иқтисодий қора тадбирларини куллашдан олдин жавоб берилиши лозим бўлган саволлар қуйидагилардан иборатдир:

- Бу қорани амалга оширилиши натижасида тармок еки фирма учун қандай иқтисодий ютук қутилади ва қанча иш жойлари ташқил этилади еки сақлаб қолинади?
- Бюджет даромадлари қанчага ошади еки тадбирларни амалга ошириш учун қанча бюджет қаражатлари талаб этилади?
- Ички нархлар қанчага ошади в абу қора тадбирлар натажасида истеъмол миқдори қанчага қамаяди?
- Амалга оширилмокчи бўлган қора тадбирларни бозор тузилишига ва ундаги рақобатга таъсири қандай?
- Бу қора тадбирларни кулланилишига савдо бўйича шерик давлатлар қандай муносабат билдирадилар ва уни уларга потенциал таъсири қандай?

- Кулланилиши кутилатган чора-тадбирлар мавжуд давлат иштирок этаётган куп томонлама ёки икки томонлама шартномалар қоидаларига тугри келадими йўқми?

Мана шу саволлар жавобларини урганиб ва таҳлил қилингандан сунг халқаро савдони тартибга солиш воситалари у ёки бу турларидан кулланилади.

Дунё хужалиги амалиётида халқаро савдони тартибга солишда кулланиладиган усулларни мазмун моҳиятига қўра қўйидаги синфлаш мумкин (расм 1).

Маълумки савдо сиёсати иқтисодий, сиёсий, маъмурий, ташкилий, ҳуқуқий ва бошқа масалалар ўз аксини топади.

Халқаро иқтисодий савдо сиёсатини иқтисодий оқибатларини, ҳуқуқий, ташкилий масалаларини махсус фанлар томонидан қўрилишига қолдириб, урганади.

Халқаро савдони тартибга солиш давлат воситалари характериға қўра бож тарифини қўллашға асосан тариф ва нотаиф усулларига бўлинади.

Халқаро савдо соҳасида давлатнинг асосий вазифаси – экспортчилар учун иложи борица қўп товарларини, уларни жаҳон бозорларида рақобатдошлигини оширган қолда, экспорт қилишға қўмақлашиш, ҳамда чет эл товарларини ички бозордаги рақобатдошлиқ даражасини қамайтириш мақсадида импортни қисқартиришдир.

Усуллар		Савдо сиёсати воситаси	Асосан тартибга қолади	
	Тариф	Божқона божлари Тариф қотаси		импорт импорт
Н О Т А Р И Ф	Микдорий	Қоталаш Лицензиялаш Ихтиерий чегаралаш	экспорт экспорт	импорт импорт
	Қўзға таш- Ланмас	Давлат харидлари Маҳаллий компонентларни борлиги Техник тусиқлар Солиқ ва йигимлар		импорт импорт импорт импорт
	Молиявий	Субсидиялар Кредитлаш Демпинг	экспорт экспорт экспорт	

Назорат саволлари:

1. Щал=аро савдо ва уни асосий вазифалари.
2. Щал=аро савдони давлат томонидан тартибга солишни қандай шакллари сизға маълум?
3. Эркин савдо сиёсати билан протекционизм уртасидаги фарқ.
4. Ўзбекистон Республикаси савдо сиёсатини шозирги шолати қандай?
5. Савдо сиёсатини асосий воситаларини санаб утинг.
6. Истеъмол ортиқчалиги нима?

7. Ишлаб чи=ариш ортикчалиги қачон юз беради?
8. Эркин савдо сиёсатини протекционизмдан афзаллиги нимада?
9. Савдо сиёсатининг асосий вазифалари нимадан иборат?
10. Республикамизнинг иктисодий сиёсати нимага қаратилган?

Асосий адабиётлар.

1. И.А.Каримов – Ўзбекистон XXI аср бусогасида: ҳавфсизликка таҳдид, бар=арорлик шартлари, тараққиёт қафолатлари. Т: Ўзбекистон, 1997 й
2. В.Б.Буглай, Н.Н.Ливенцев – Международные экономические отношения. М: Финансы и статистика, 1996 г
3. Е.Ф.Авдокушин – Международные экономические отношения. М: ИВЦ «Маркетинг», 1997 г
4. В.И.Фомичев – Международная торговля. М: Инфра- М, 2001 г
5. Н.А.Миклашевская, А.В.Хлопов – Международная экономика, III-изд., М., Дело-сервис, 2004 г.
6. Международные экономические отношения, Учебник, М., Инфра-М, 2004 г.

+ышимча адабиётлар.

1. В.К.Ломакин – Мировая экономика, II-изд. Учебник, М., ЮНИТИ, 2004 г.
2. И.И.Дюмулен – Всемирная торговая организация. М: Торгова – промышленная палата РФ, 1997 г
3. Внешнеторговая политика: выбор стратегии для Ўзбекистана. Ж: Экономическое обозрение №1(11), 2000 г
4. Таможенное дело, Учебник, 2004 г. [www.professiya.ru/textbook - condetailhtml?](http://www.professiya.ru/textbook-condetailhtml?13/12-6K)
5. www.tdiu.uz. ТДИУ вебсайти
6. www.customs.uz. Давлат Божхона =ымитаси вебсайти
7. www.customs.ru. Россия Божхона Академияси вебсайти

**6–мавзу: Ташки иктисодий фаолиятни давлат бошқарувида
нотариф усуллар.**

Режа:

1. Ташки иктисодий фаолиятни тартибга солишни нотариф усулларини турлари.
2. Микдорий нотариф усуллари ва уларни куллаш тартиби.
3. Молиявий усуллар.

Ташки иктисодий фаолиятни, хусусан ташки савдони давлат томонидан тартибга солишда тариф усуллари билан бир каторда нотариф усуллари ҳам кулланилади. Ташки иктисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солишда ухтин ухтин тариф усулларига нисбатан нотариф усулларини куллашга купрок эътибор берилади. Чунки нотариф усуллар сиесий томондан куллашда кулай, истеъмолчилар учун солик буйича кушимча огирликлар тугдирмайди. Бундан ташшқари нотариф ууллари кузлаган мақсадга эришишда ҳам кулайдир.

Мисол, Бугдой импорти микдорини 2,5 млн.тонна килиб белгилашда нотариф усуллардан фойдаланиш кулайдир. Чунки шу товар буйича импорт микдорини, импорт таърифи оркали шундай килиб белгилаш учун керак булган тариф ставкасини хисоблаш куп меҳнат талаб килади.

Ва ниҳоят нотариф усулларни куллаш ҳеч бир халқаро ташкилот томонидан тартибга солинмайди в абу усулни уз савдо сиесатида куллаш оркали ҳар бир давлат, тарифни куллашга нисбатан, узун эркинрок хис этади. Ташки иктисодий фаолиятни тартибга солишда тариф усулларида фойдаланиш, аниқроғи ташки савдони кузлаган микдорда тартибга солиш бутун жаҳон савдо ташкилоти томонидан тартибга солинади.

Нотариф усуллари мазмун моҳиятига кура микдорий, кузга ташланмас ва молиявий чегаралаш турларига булинади.

Микдорий чегаралаш – экспорт ва импортга рухсат этилган товарларини микдори ва номенклатурасини белгилашда давлат томонидан кулланиладиган нотариф усулларини маъмурий шаклидир. Микдорий чегаралашлар бирон бир давлат ҳукмати қарори асосида еки маълум товар савдосини ташкил этувчи халқаро келишувлар асосида кулланилиши мумкин.

Микдорий чегаралаш усулларини амалиети кенг тарқалган тури квота еки контингентдир. Бу иккала тушунча бир ххил маънога эга булиб, контингент сузи одатда мавсумий характерга эга булган квотани белгилашда кулланилади.

Квота – бу экспорт еки импортни белгиланган микдорда ва суммада маълум вақт оралигида чегаралаш билан боглик булган микдорий чегаралаш чорасидир.

Квоталар таъсир йуналишлари буйича куйидаги турларга булинади:

Экспорт квоталари – бирон давлатни маълум товар экспортини умумий микдордаги улушини белгилашда, халқаро мувофиклаштирувчи келишувлар асосида киритилади. Бундан ташқари бу квоталар бирор бир давлат томонидан алоҳида холда, ички бозорда такчил булган товарларни олиб чиқиб кетилишини олдини олиш мақсадида ҳам киритилади.

Импорт квоталари – маҳаллий ҳукумат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни химоя қилиш, савдо балансини мувофиклаштириш, ички бозордаги талаб ва таклифни тартибга солиш, шунингдек бошқа давлатлар томонидан кулланиладиган савдо буйича иқтисодий таъикка жавоб мақсадида киритилладиган квоталар.

Қамраб олиш даражаси буйича эса квоталар куйидаги турларга булинади:

- Глобал квоталар – қайси давлатдан импорт қилинаётганидан, қайси давлатга экспорт қилинаётганидан қатъий назар, маълум товар экспорт ива импорти буйича маълум даврга белгиланладиган квоталардир. Бу турдаги квоталар ички истеъмолни қерак булган даражада ушлаб туриш учун кулланилади.

- Индивидуал квоталар – экспорт еки импорт қилаётган давлат томонидан, глобал квота доирасида, белгиланладиган квотадир. Одатда бундай квоталар узаро 2 томонлама келишувлар асосида кулланадилар. Бу квоталар узаро сиесий, иқтисодий ва бошқа манфаатларга эга булган давлатларга экспорт ва импорт буйича маълум афзалликлар беради.

Қуп холларда индивидуал квоталар мавсумий буладилар, яъни ички бозорни маълум товарлар буйича давлат химоясига зарурати булганда, маълум вақт оралигида кулланилади.

Микдорий нотариф усулларини яна бир тури – лицензиялашдир.

Лицензиялаш – давлат органлари томонидан, экспорт ива импортини белгиланган ҳажми буйича маълум даврга бериладиган, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи рухсатномадир.

Лицензиялаш квоталашни тарқибий қисми булиши еки ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни алоҳида олинган давлат қуроли ҳам булиши мумкин. 1 – холда белгиланган квота доирасида квота доирасида товарни олиб қириш ва олиб қикиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат булиши мумкин, 2 – холда эса у бир қатор аниқ шахсларга эга булиши мумкин:

- Бир маротаба бериладиган бериладиган лицензия – бир савдо келишуви асосида бир йил ичида товарлар олиб қириш ва қикиш буйича давлат томонидан бериладиган езма рухсатнома.

- Бош лицензия – у еки бу турдаги товарларни чегараланмаган сондаги савдо келишувлари асосида, бир йил давомида олиб кириш ва чиқиш буйича бериладиган рухсатнома.

- Глобал лицензия – маълум вақт оралигида, чегараланмаган миқдордаги ва қийматдаги маълум бир товарни ихтиёрий давлатга олиб кириш ва чиқиш буйича бериладиган рухсатнома.

- Автоматик лицензия – экспортчи ва импортчи томонидан, маълум савдо операцияларини утказиш буйича рухсат суралган захоти, давлат органлари томонидан қайтарилмайдиган рухсатнома.

Лицензиялаш дунедаги жуда кўп давлатлар томонидан қўлланилади. Жумладан ривожланаётган давлатлар томонидан лицензиялаш импортни тартибга солишда, ривожланган давлатлар эса белгиланган квота доирасида, импортчи томонидан маълум товарни олиб кириш буйича рухсатни тасдиқловчи ҳужжат сиёсатида ишлатилади.

Импортни миқдорий чегаралаш нафақат импорт қилаётган давлат томонидан импорт тарифи еки импорт квоталари қиритилиши орқали амалга оширилиши мумкин, балки экспорт қилувчи давлат томонидан «экспортни эркин равишда» доирасида маълум чора тадбирларни амалга ошириш орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

«Экспортни ихтиёрий равишда» чегаралаш одатда катта импортчи давлат томонидан амалга ошириладиган сиёсий таъсир остида амалга оширилади. Катта давлат экспорт қилувчи давлатга нисбатан бир томонлама ҳолда импортни чегаралаш орқали уни ўз томонидан «ўз экспортни эркин равишда» чегаралашга мажбур қилади.

«Экспортни эркин равишда» чегаралаш бу, савдо буйича шериклар бир томонидан давлатлараро расмий келишув асосида еки экспортга квота урнатиш буйича норасмий келишувлар асосида экспортни миқдорий чегаралаш еки жуда бўлмаганда уни ҳажмини оширмаслик тугрисида мажбурият олишидир.

Фараз қилайлик, мамлакатда товарни ички тақлифи S_d га, ички талаб эса D_d га тенг бўлсин, шу товар буйича четдан тақлиф чегараланмаган ва 1 – давлатдан P_1 баҳода S_1 миқдорда, 2 – давлатдан эса P_2 баҳода S_2 миқдорга тенг. Бу шароитда товарни ички ишлаб чиқариш миқдори Q_1 истеъмол миқдори эса Q_7 га тенг бўлиб, импорт эса $Q_7 - Q_1$ га ва уни ҳаммаси 1 – давлатга тегишли, чунки 2 – давлатдан келаятган импорт товарлари 1 – давлатга нисбатан қимматдир. Фараз қилайлик, импорт қилаётган давлат томонидан иқтисодий таъсир утқазилиши мумкинлиги ҳавфи остида 1-давлат ўз хоҳишига қўра, $Q_5 - Q_3$ миқдордаги экспорт квотасини қўллаб ўз экспортини қисқартиради. Бунинг оқибатида ташқи тақлифни қисқариши натижасида товарни ички баҳоси P_3 даражага қўтарилади, ички ишлаб чиқариш Q_3 миқдорга ошади, ички талаб эса Q_5 миқдорга қамаяди, импорт миқдори эса квота миқдorigа тенг қатталиққа яъни $Q_5 - Q_3$ миқдоргача қисқаради. Импорт квотаси хоолидагидек истеъмол буйича ортиқчалиқ $a+b+c+d+e+f+g+h+i+j+k+l$ миқдорга қамаяди. Унга тақсимлаш самараси $a+h$ ни, химоя самараси $b+c+I$ ни, даромад самараси $d+e+j+k$ ни, истеъмол самараси $f+g+l$ ни ташкил этади.

Бу ҳолда даромад самараси, импорт квотасини қўллаш хоолидагидек маҳаллий импортчиларга эмас, балки чет эл экспортчиларига тегишли бўлади, чунки улар ўз экспорт товарларини баҳосини ошириш имкониятига эга бўладилар. Бу импортчи томонидан импорт квотасини қўллаш ҳавфи

тугилганда, экспортчи томонидан «уз хошишига кура» экспортчиларга чеклашлар куллашга асос булади.

Импорт килаётган давлат учун, экспортчи давлат томонидан «уз хошишига кура» экспортни кискартириши нафакат, ҳар қандай ҳолда уринли бўлган, ҳимоя ва истеъмол самарасини йукотишига, шунингдек фойда самарасини ҳам йукотилиш, яъни $b+cc+d+e+f+g+h+i+j+k+l$ сигментга тенг йукотишларга олиб келади.

Расмга кура экспортчи давлат томонидан «уз хошишига кура» экспорт миқдорини чеклашга қадар импортчи давлат бир бирликка тенг миқдорда товарни ишлаб чиқараётган эди., 7 бирликдаги товарни истеъмол ва 6 ойлик товарни ҳар бирин 6 доллардан килаётган эди.

Экспортчи давлат томонидан «уз хошишига кура» 2 бирликка тенг экспорт квотасини киритилиши натижасида, импортчи давлат 3 бирликка тенг маҳсулот ишлаб чиқариб, 5 бирликка тенг товарни истеъмол ва 2 бирлик товарларни 7 доллардан импорт қила бошлади. Импортчи давлатни иқтисодий йукотишлари 4 долларни ташкил этди.

Бундан ташқари «уз хошишига кура» экспортни бир давлат томонидан кискартирилиши, ҳудди шундай товарни бошқа давлат томонидан экспортни кенгайтишига олиб келади. Чунки улар билан «экспортни ихтиерий равишда кискартириш» тугрисида шартнома тузилган шунинг учун ҳам импортчи давлат ички бозорида бўш қолган сиементларни эгаллашга ҳаракат қиладилар. 1- давлат томонидан «экспортни ихтиерий равишда» чегаралангунга қадар 2- давлат импорт қилинаётган товар баҳоси P_2 га тенг бўлиб, рақобатлаша олмас эди, «экспортни ихтиериш равишда» чегараланиш натижасида у бемалол рақоблаша оладиган бўлди, чунки $P_2 < P_3$ дан. 2- давлат $(Q_3-Q_2)+(Q_6-Q_5)$ миқдордаги товарни экспорт қилиб, импортчи давлатдаги ички баҳони P_2 даражага қутаради. Истеъмолчилар учун йукотишлар ҳимоя ва истеъмол самараларидан қатта бўлмайди. Бизнинг ҳолимизда ҳимоя ва истеъмол самараси га тенг. Агарда 1- давлат узининг товарларини нархини 2- давлат товарлари нархи даражасигача қутарса, у ҳолда уз даромадини факатгина $c+d$ сегмент қатталигига қутарилиши мумкин. $e+f$ сегментлари эса савдони четланиш самарасини ташкил этадилар, яъни бу самара импортчи томонидан товарларни маълум қисмини 2- давлатдан сотиб олиши билан боғлиқдир, ваҳоланки бу давлатда товарларни нархи бошидан биринчи давлатдаги нархлардан юқоридир.

Четланиш самарасини ҳақиқий қиймати жаҳон иқтисоди учун тугридан-тугри йукотишлардир, чунки экспортни «экспортни ихтиерий равишда» чегаралаш натижасида ресурслардан фойдаланиш самараси паст булади.

Қушимча миқдордаги товарларни, нисбатан юқори баҳода бўлса ҳам, 2-давлатдан экспорт қилинши импорт қилувчи давлат учун тула иқтисодий йукотишлар қийматини қайта қилишига олиб келади ва улар факат $i+j+k+l$ сегментларига тенг булади.

Расмдан қуриш мумкин, 2-давлат 1-давлат томонидан киритилган 2 бирликка тенг «ихтиерий» экспорт квотасига қушимча 2 бирликка тенг рақобатбардош бўлган узининг экспортини қушади, чунки 2-давлатдаги товар баҳоси 6,5 га бўлиб, у давлатдан импорт қилинаётган ҳудди шундай товарни баҳоси 7 доллардан кичикдир.

Товарлар иққала давлатдан ҳам экспорт қилинаётганда, импорт қилувчи давлат 2 бирликка тенг товар ишлаб чиқаради, 6 бирликдаги товарни

истеъмол килади ва 4 бирликка тенг товарни импорт килади, шундан икки бирликдаги товарни 6 доллардан 1-давлатдан.

Шунга кура ва хар кандай холда химоя ва истеъмол самараларидан 2 долларни йукотилишини хисобга олган холда, 1-давлат хам ух товарларини хар бирини кийматини 6,5 долларга кутаради ва 1 доллар химоя самарасини 0,5 долларга ва даромад самарасини хам 0,5 долларга кискариши окибатида, $(\$0,5 \times 2 = \$1)$ микдорида кушимча даромад олади.

Импортчи давлат томонидан 2- давлатдан «ихтиерий квота» микдорида катта булган икки бирликдаги 1- давлатдан 6 доллардан сотиб олиш мумкин булган товарни хар бирини 6,5 доллардан сотиб олишга мажбур булиши натижасида четланиш самараси хосил булади $(\$0,5 \times 2 = \$1)$.

Импортчи давлатни тула иктисодий йукотишлари икки долларга кискаради $(\$0,5 \times 2) + (\$0,5 \times 1/2) + (\$0,5 \times 1/2) = \2 .

Экспортни «ихтиерий равишда» чегаралаш усули ички бозорда катта мавкега эга булишига эришишга каратилган булиб одатда савдо сиесати воситаси сифатида ривожланган давлатлар уртасидаги ракобат курашида кулланилади.

Ички бозорни, микдорий чегаралаш, хамда кузга куринмас усуллар билан импорт товарларидан химоя килиш билан бирга халкаро савдо амалиетида экспортни кенгайтириш усуллари хам кенг кулланилади. Бу усулларни аксарияти махаллий экспортчиларни давлат томонидан бевосита ва билвосита субсидиялар бериш оркали куллаб-кувватлашга асосланган.

Хар хил йуллар билан амалга ошириладиган молиявий экспортни тан нархини камайтириш оркали экспорт товарларини жахон бозоридаги ракобатдошлик даражасини оширишга каратилган.

Савдо сиесати сифатида экспортини молиялаштириш давлат бюджетидан, хамда давлат органлари томонидан (банклар, жамгармалар ва бошқалар) амалга оширилади. Шунингдек шахсий сектор-экспортчиларини узлари уларга хизмат курсатувчи банклар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Экспортни молиялаштиришни савдо сиесати сифатида банклар томонидан айланма капитални экспорт ва импортни жараенлари буйича тижорат операцияларини молиялаш жараенидан фарк килади.

Савдо сиесати сифатида молиялаш миллий ишлаб чикарувчиларни ва экспортчиларни манфаатларини дискриминация килишга каратилган.

Савдо сиесатининг кенг таркалган усуллари – булар субсидиялаш, кредитлаш ва демпингдир. Бу усуларнинг хар бирига алохида-алохида тавсифнома берамиз:

Субсидиялар агарда давлат махаллий ишлаб чикарувчиларни экспортини куллаб-кувватлашни лозим деб билса, у холда давлат уларга у еки бу шаклда давлат бюджетидан субсидиялар бериши мумкин.

Кредитлаш ва экспорт кредити – фирмалар экспортини давлат томонидан рағбатлантириш билан боглик булган, ташки савдо сиесатининг нотариф молия усулидир.

Демпинг – товарни экспорт бахосини шу давлатда мавжуд булган баходан камайтириш оркали уни ташки бозорга харакатини таъминловчи ташки савдо сиесатини молиявий усулидир.

Ажратилиш (туланиш) мохиятига кура субсидиялар куйидаги турларга булинади:

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлаш ва уларга барҳам бериш, бирламчи материалларни, ҳукукбузарликлар тугрисидаги хабарларни текшириш, аниқланган факт ва ҳукук бузиш ҳолатлари, ҳукук бузувчининг шахсини аниқлаш, исботлар туплаш ва текшириш бўйича процессуал ҳаракатларни юритиш, текшириш материалларини қуриб чиқиш ва унинг натижалари бўйича қарор қабул қилиш;

- иш материалларини қуриб чиқишга тайёрлаш;

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тугрисидаги ишларни қуриб чиқиш;

- божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тугрисидаги ишлар бўйича қарорлар ижроси;

- ҳукук бузишларнинг олдини олиш бўйича тақлифлар, ахборот ва хабарлар киритиш, улар содир этилишига қумаклашувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда тартибга солишнинг бошқа чора-тадбирлари.

Узбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодексининг 276-моддасига мувофик, маъмурий ҳукукбузарлик тугрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳукукбузарлик ҳолати юз берган еки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тугри қуриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

Бу маълумотлар куйидаги воситалар: божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари тугрисидаги баеннома, жавобгарликка тортилатган шахснинг тушунтиришлари, жабрланувчи, гувоҳларнинг курсатувлари, эксперт ҳулосаси, ашевий далиллар, аше ва ҳужжатларни олиб қуйиш тугрисидаги тузилган баеннома, шунингдек, бошқа материаллар билан белгиланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни божхона органининг мансабдор шахси ҳукукбузарлик аниқланган жойда еки юқори божхона органининг руҳсати билан – ҳукукбузарлик содир этилган жойда юритади. Божхона қоидалари бузилиши тугрисидаги ишларни юритиш учун бир божхона органидан бошқасига бериш масалалари улар учун юқори турувчи Узбекистон Республикаси божхона органи томонидан ҳал этилади.

Узбекистон Республикасининг юқори турувчи божхона органи божхона қоидалари бузилиши тугрисидаги ҳар қандай ишни юритиш учун узига қабул

килиши еки уни ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Республикасининг исталган қуёи божхона органларига бериши мумкин.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни юритиш у бошланган қундан эътиборан бир ой муддатдан кечикмай тугалланиши лозим.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги ишларни юритиш муддати зарур ҳолларда божхона органининг бошлиги томонидан юридик шахсларга ва юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган шахсларга нисбатан турт ойгача узайтирилиши мумкин (ЎЗР Божхона кодексининг 175-моддаси).

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тугрисидаги ишлар давлат тилида еки ушбу жойдаги қупчилик аҳоли тилида юритилади. Ишда иштирок этувчи, иш юритилаётган тилни билмайдиган шахслар учун иш материаллари билан тулик танишиш ва уни қуриб чиқишда таржимон орқали иш билан мазмунан танишиш, шунингдек, она тилида сузга чиқиш ҳуқуқи таъминланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги иш материалларида мавжуд булган маълумотлар иш қуриб чиқилгунга қадар ошқор қилинмайди. Қуёидаги ҳолатлармавжуд булган тақдирда божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тугрисидаги иш юритиш бошланмаслиги, бошланган иш эса тухтатилиши қерак:

1. Воқеа еки божхона ҳуқуқбузарлиги тарқиби мавжуд булмаганда;
2. Божхона қоидалари бузилиши соқир этилган пайтда шахс ун олти ешга тулмаганда;
3. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилишини соқир этган шахс ақли бутун булмаганда;
4. Шахс зарур мудрофаа еки энг охириги чора ҳолатида иш қурганда;
5. Божхона қоидалари бузилганлиги учун жазо қуллаш бартараф этилган тақдирда амнистия чиқарилганда;
6. Божхона ҳақидаги қонунлар бузилганлиги учун жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинганда;
7. Ишни қуриб чиқиш пайтига қелиб, божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги учун жазо бериш муддатлари тугаганда;
8. Жавобгарликка тортилувчи шахсга нисбатан бир фактнинг узи буйича жазо қуллаш тугрисида қарор еҳуд божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тугрисидаги ишни тухтатиш ҳақида белгиланган тартибда бекор қилинмаган қарор мавжуд булганда, шунингдек, уша бир фактнинг узи буйича жиной иш мавжуд булганда;
9. Унга нисбатан иш юритиш бошланган шахс вафот этганда.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича баенномалар. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги факти буйича ҳамда зарур ҳаракатларни соқир этиш пайтида божхона органининг мансабдор шахси қонун ҳужжатларида белгиланадиган шаклда баенномалар тузади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича баенномаларга тупланган далиллар қушиб қуёилади. Божхона органининг мансабдор шахси иш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил-қесил ҳал этилгунга қадар далилларнинг сақланишини таъминлаш чораларини қуриши шарт.

Божхона хакидаги конун ҳужжатларининг бузилишини аниклаш ва тухтатиш ҳамда дастлабки ҳужжатларни тузиш (божхона хакидаги конун ҳужжатларининг бузилиши тугрисида баеннома тузиш, тушунтиришлар олиш, ҳуқуқни бузиш қуроли еки бевосита буюми ҳисобланган ашелар ва ҳужжатларни олиб қуйиш, уларнинг сакланишини таъминлаш, жарима ундириш таъминланиши учун буюмларни олиб қуйиш ва бошқа ҳаракатлар) божхона постларининг оператив-инспекторлик таркиби, контрабандага қарши қураш, божхона қоидалари бузилишига қарши қураш бўлими ва суриштирув ходимлари, шунингдек ҳуқуқ бузилишини бевосита аниклаган божхона хизматларининг бошқа бўлинмалари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Божхона хакидаги конун ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва маъмурий баенномалар тузиш ҳуқуқи берилган божхона органларининг мансабдор шахсларига қуйидаги лавозимларда ишловчи шахслар тегишли бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қумитасининг бошқармалар, бўлимлар бошлиқлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари;

- ҳудудий божхона хизматларининг бошқармалар, бўлимлар, бўлинмалар, божхона постлари бошлиқлари, бош, катта инспекторлари ва инспекторлари.

МЖКнинг 279-моддаси, ЎЗР БКнинг 177-моддаси талабларига мувофиқ божхона қонунлари бузилишининг ҳар бир факти бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликни бевосита аниклаган божхона органи ходими белгиланган шакл бўйича баеннома тузади.

Божхона хакидаги конун ҳужжатларининг бузилиши тугрисидаги баенномада қуйидаги маълумотлар қурсатилади:

1. Баеннома тузилган сана ва жой.
2. Баенномани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми.
3. Ҳуқуқни бузган шахс тугрисидаги маълумотлар.
4. Сафарнинг мақсади, йўналиш, поезд, автомашина еки бошқа транспорт воситасининг тартиб рақами, унинг қимматга тегишли эканлиги, бориш йўналиши.
5. Содир этилган ҳуқуқ бузиш жойи, вақти ва моҳияти (фабула).
6. Мазкур ҳуқуқ бузиш учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий ҳужжат.
7. Олиб қуйилган (ушланган) ашелар, бойлиқлар ва ҳужжатлар тугрисидаги маълумотлар.
8. Ҳуқуқ бузувчининг тушунтириши ва ишни ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар.

Божхона хакидаги конун ҳужжатларининг бузилиши аниқланишининг ҳар бир ҳолати ва улар бўйича қўрилган қоралар юзасидан божхона органи ходими томонидан рапорт езилади. Унда содир этилган ҳуқуқ бузиш аниқланишининг барча ҳолатлари (излаш усуллари, яшириш усуллари, назорат қилишнинг техник воситаларини қўллаш, оғзаки суров натижасида олинган маълумотлар, багаж ва қўлда олиб қўриладиган юкни расмийлаштириш, шахсан қўздан кечириш, транспорт воситаси, контейнерни қўздан кечириш, шунингдек ишга тегишли бўлган бошқа ҳолатлар) акс эттирилиши керак.

Агар ҳуқуқ бузувчининг бирор-бир ноҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари билан моддий зарар етказилса – рапортда моддий зарар кимга, канча миқдорда, қай тарзда етказилганлиги киска, бироқ батафсил баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тугрисидаги кодекснинг 285-288-моддаларига мувофиқ, бошқа таъсир курсатиш чоралари кулланиб булганидан кейин маъмурий ҳуқуқбузарликни тухтатиш, ҳуқуқбузарнинг шахсини аниқлаш, башарти баеннома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг узида тузиш имкони бўлмаган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тугрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида мазкур шахсни маъмурий йул билан ушлаб туришга, шахсни қуриқдан утказишга, унинг ашелари, транспорт воситаларини қуздан кечиришга ва аше ҳамда ҳужжатларни олиб қуйишга йул қуйилади.

ЎзР МЖКнинг 287-моддасига мувофиқ божхона органлари ходимлари ЎзР МЖКнинг 198 ва 227-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқ бузишлар содир этилганда, маъмурий тухтатишни амалга оширишлари мумкин. Маъмурий тухтатиш тугрисида баеннома тузилади. Унда баеннома тузилган сана ва жой, лавозими, божхона органи, баенномани тузган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми; ушланган шахс тугрисидаги маълумотлар; ушлаш вақти, жойи ва асослари; ушланган шахс олиб келинган вақт ва жой; ушланган озод қилинган вақт; ушлаш вақтида қандай ҳаракатлар қуйилганлиги курсатилади.

Баенномага уни тузган шахс, ушланган шахс, гувоҳлар, бошқа шахслар бор бўлганда улар ҳам имзо чекадилар. Ушланган шахс имзо чекишни рад этган тақдирда бу ҳақда баенномада қайд этилади. Ушланган шахснинг илтимосига қура, бу ҳақда унинг қариндошлари, адвокат, у ишлайдиган еки қийдиган жой маъмурияти хабардор қилинади. Вояга етмаган ушланганлиги тугрисида унинг ота-оналари еки уларнинг урнини босувчи шахслар хабардор қилиниши шарт.

Божхона органи ходими томонидан хабар берилганлиги тугрисида маъмурий ушлаш баенномаси ҳуқуқ бузувчи ушланганлиги тугрисида кимга, қачон ва қай тартибда хабар берилганлиги курсатилгани ҳолда тегишли езув қайд этилади.

Божхона назорати, қуздан кечирув пайтида топилган ҳуқуқбузарлик қуроли еки бевосита буюми бўлган товарлар, транспорт воситалари, ҳужжатлар ва бошқа буюмлар божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан ҳолислар ҳозирлигида олиб қуйилади. Олиб қуйилган товарлар, транспорт воситалари, ҳужжатлар ва бошқа буюмлар иш қуриб чиқилгунга қадар божхона органлари белгилаган жойларда сақланади.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда жарима ҳамда товарлар ва транспорт воситаларининг қиймати ундирилишини таъминлаш учун ҳуқуқбузардан, агар у Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаса ва юридик шахсдан – агар у Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиал еки ваколатхонага эга бўлмаса, товарлар ва транспорт воситалари, Ўзбекистон Республикаси валютаси ва валюта бойликлари олиб қуйилишига йул қуйилади.

Товарлар, транспорт воситалари ва бошқа ашеларни олиб қуйишнинг имкони бўлмаган тақдирда улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш тақиқланади, уларнинг сақланиши эса қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда таъминланади.

Божхона органининг мансабдор шахси олиб қуйилган товарлар, транспорт воситалари ва бошқа буюмларни баҳолаш пайтидаги бозор нархлари

буйича баҳолаб, уларнинг эскирганлигини ҳисобга олади. Зарур ҳолларда баҳолаш мутахассис иштирокида утказилади. Пул, облигациялар, чеклар, акциялар ва бошқа қимматли қозғалар номинал қиймати буйича ҳисобга олинади.

Божхона органининг мансабдор шахси божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни юритиш жараенида далилларни аниқлаш ва уларни қайд этиш, ишга аҳамияти булган бошқа ҳолатларни аниқлаш учун жойни, ҳудудларни, биноларни, транспорт воситаларини, ашелар ва ҳужжатларни божхона текширувидан утказишга ҳақлидир.

Божхона текшируви ҳудуди, биноти, транспорт воситаси, ашелари ва ҳужжатлари текширилатган шахс (унинг вакили) иштирокида қамиди икки гувоҳ ҳозирлигида, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштирокида утказилади. Божхона текшируви утказилишида қатнашаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади.

Экспертиза. Божхона ҳақидаги қонунлар бузилиши тугрисидаги ишларни юритишда божхона органи мансабдор шахсининг қарори билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертиза тайинланиши мумкин. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилиши тугрисидаги ишни юритаётган божхона органининг мансабдор шахси қарор асосида ва гувоҳлар, зарур ҳолларда эса мутахассислар иштирокида товарлар ва бошқа буюмларнинг намуналари ва нусхаларини олиш, шунингдек экспертиза утказиш учун зарур булган имзолар, дастхатлар, намуналарни олишга ҳақлидир.

БКнинг 183-моддаси – Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тугрисидаги ишни юритишда қатнашувчи шахслар. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тугрисидаги ишни юритишда жавобгарликка тортилувчи шахсдан ташқари, унинг вакили, адвокати, эксперт, мутахассис, таржимон, гувоҳ, ҳолис қатнашишлари мумкин.

Агар ишнинг натижасидан шахсан, бевосита еки билвосита манфаатдор булсалар, божхона органининг мансабдор шахси божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни юритиши, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис эса ишни юритишда иштирок этиши мумкин эмас. Бу ҳолда божхона органининг мансабдор шахси, эксперт, мутахассис, таржимон, ҳолис узини узи рад этиши шарт, жавобгарликка тортилатган шахс, унинг вакили еки адвокат эса бу шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рад қилишлари мумкин. Эксперт, мутахассис, таржимоннинг уз қасбига қолойқлиги аен булиб қолса, улар ҳам рад қилиниши қозим. Рад қилиш тугрисида ариза бериш ишни юритишни тухтатиб қуймайди.

БКнинг 185-моддаси, МЖКнинг 301-моддаси – Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича қикимлар. Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича қикимлар қуйидагилардан иборат булади:

Гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, ҳолисларга туланадиган суммалар;

Текширув ва инвентарлаш муносабати билан сарфланган суммалар;

Далилларни саклаш, ташиш (жунатиш) ва текшириш учун сарфланган суммалар;

Ишни юритиш ва қуриш муносабати билан божхона органи қилган бошқа қаражатлар.

Божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича қикимлар қазо бериш тугрисидаги қарор қимга қисбатан қикарилган

булса, шу шахс зиммасига юкланади. Агар божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича бир нечта шахсга жазо берилган булса, ишни кураётган божхона органининг мансабдор шахси уларнинг хар бири зиммасига юкланадиган чикимлар миқдорини аниқлайди.

Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни юритиш тухтатилган тақдирда юзага келган чикимлар конун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилиши лозим.

УзР БКнинг 186-моддасига мувофик божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишлар:

Агар жазо чораси тарикасида жарима, лицензия еки малака аттестатини чакириб олиш чораси, шунингдек конун хужжатларида назарда тутилган алохида холларда товарларни мусодара килиш чораси кулланилса, божхона органи томонидан курилади.

Агар асосий еки кушимча жазо чораси тарикасида товарларни ва транспорт воситаларини мусодара килиш назарда тутилса, тегишли божхона органи жойлашган ердаги суд томонидан курилади. Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишларни куриш ва божхона органлари номидан жазоларни куллашга божхона органларининг бошликлари ва уларнинг уринбосарлари ҳақлидир.

МЖКнинг 303-моддасига мувофик, орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳукукбузарлик тугрисидаги ишни куриб чиқишга тайерлаш пайтида куйидаги масалаларни ҳал этиши керак:

Мазкур ишни куриб чиқиш унинг ваколатига тегишлилиги. Жумладан, божхона органи бошлиги (бошлик уринбосари) МЖКнинг 227-моддасига мувофик, шунингдек божхона хакидаги конун хужжатларининг бузилганлиги учун БКнинг 134-172-моддалари буйича жарима курилишидаги жазо кулланган, лицензия еки малака аттестати чакириб олинган, шунингдек, конун хужжатларида назарда тутилган истисно холларда товарлар мусодара килинган тақдирда УзР МЖКнинг 262-моддасига мувофик конун бузишлар тугрисидаги ишларни куриб чиқади ва улар буйича маъмурий жазо куллайди. Божхона органига қарашли булмаган материаллар тақдим этилган тақдирда улар расмийлаштирилганидан кейин бир кеча-кундузда тегишли органга юборилади. Божхона органи бошлиги (бошлик уринбосари) маъмурий ҳукукбузарлик тугрисидаги баенномани тузишда УзР МЖКнинг 279, 280, 281-моддалари талабларига риоя килинганлигига ва материаллар тугри расмийлаштирилганлигига ишонч ҳосил килиши керак.

Ҳукук бузувчининг қилмиши тугри талқин килинганлиги; божхона хакидаги конунлар бузилиши содир этилишида унинг айби мавжудлиги ва далилларнинг туликлиги.

Зарур холларда божхона органининг мансабдор шахси бошликнинг курсатмасига қура еки ҳукук бузувчининг, жабрланувчи еки гувоҳнинг илтимоси билан иш ҳолис куриб чиқилиши учун куриб чиқилаётган ишга тегишли булган кушимча маълумотларни еки бошқа материалларни (исботларни) талаб килиб олиши керак, у иш буйича қарор қабул килиш учун зарур булган кушимча материаллар борлигига ишонч ҳосил килиши керак.

Божхона органи бошлиги (уринбосари) маъмурий ҳукукбузарлик тугрисидаги материалларни куриб чиқишда уларни расмийлаштиришда еки уларни куриб чиқишга тайерлаш жараенида ҳукук бузувчи, жабрланувчи, конуний вакил еки адвокат томонидан илтимоснома берилган-берилмаганлигини, илтимоснома қондирилганлиги еки йуклигини, агар

кондирилмаган булса, нима сабабдан кондирилмаганлигини аниклаши керак.

Божхона органи бошлиги (уринбосари) санаб утилган масалалардан ташкари маъмурий жазони куллаш муддатига риоя килиниши масаласини аниклаши зарур. УзР МЖКнинг 304-моддасига мувофик маъмурий хукукбузарлик тугрисидаги иш у содир этилган жой буйича куриб чикилади, бу божхона органларига тегишли булган барча ишларга хам тулик тааллуқлидир.

Ишни куриб чиқиш мазкур ишни куриб чикаетган мансабдор шахсни таништиришдан бошланади (МЖКнинг 306-моддаси), яъни рахбар ишни куриб чиқиш катнашчиларига уз мансабини, фамилиясини ва кайси иш куриб чиқилиши кераклигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганини эълон қилади, куриб чиқишда катнашаётган шахсларга уларнинг хукук ва мажбуриятларини тушунтиради (МЖКнинг 294-302-моддалари), маъмурий хукукбузарлик тугрисидаги баенномани уқиб беради. Хукук бузувчининг, гувоҳнинг, жабрланувчининг, адвокатнинг ва ишни куриб чиқишда катнашувчи бошқа шахсларнинг тушунтиришлари эшитилади, исботлар текширилади, илтимосномалар хал этилади. Қоидага қура материалларни куриб чиқишда текширишни амалга оширган, хукук бузилишини аниклаган ва маъмурий хукук бузилиши тугрисида ҳужжат еки баеннома тузган мансабдор шахс ҳозир бўлиши керак.

УзР МЖК 307-моддаси талабларига мувофик, орган (мансабдор шахс) маъмурий хукукбузарлик тугрисидаги ишни куриб чиқишда қуйидагиларни аниклашга мажбурдир:

а) маъмурий божхона хукукбузарлиги содир этилганми еки йук, яъни мазкур шахснинг қилмишида Божхона кодексининг 129-моддасида белгиланган божхона хукукни бузиши тушунчаси остига ташувчи белги мавжудми еки йук. Ундан ташкари, хукукни бузиш қасддан (МЖКнинг 11-моддаси) еки эҳтиётсизлик туфайли (МЖКнинг 12-моддаси) содир этилганлиги аникланиши керак;

б) божхона хукукни бузиши содир этилган вақт ва жой, яъни қонун ҳужжатларида белгиланган (УзР БКнинг 133, 175-моддалари) материални расмийлаштириш муддатларига риоя қилинганми, хукукни бузиш содир этилиши ва жавобгарликка тортиш муддати тамом бўлмаганми;

в) мазкур шахс у содир этилишида айбдорми, у маъмурий жавобгарликка тортилиши керакми, яъни УзР МЖКнинг 13-17-моддалари ва УзР БКнинг 130-131-моддалари талабларига риоя қилинганми.

Агар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилса, қуйидагиларни аниклаш зарур:

Биринчидан, бузилиш даъво қилинаётган бузиш унинг функционал вазифалари бузилиши, унинг у еки бу ҳисобот (молия) ҳамда товар-транспорт ҳужжатларини расмийлаштириш ва имзолашда ваколатини бузиш ҳисобланадими;

Иккинчидан, жавобгарликка тортилаётган шахс халқ депутатлари, туман, шаҳар, вилоят кенгашининг депутати еки УзР Олий Мажлисининг депутати эмасми.

Агар хукукни бузувчи интизомий Уставнинг амал қилиши татбиқ этиладиган ҳарбий хизматчи еки бошқа шахс эканлиги аниқланса, маъмурий таъсир қурсатиш қоралари УзР МЖК нинг 16-моддаси талабларига мувофик қурилади.

Маъмурий хукукбузарликни содир этган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар МЖКнинг 17-моддасига мувофик умумий

асосларда маъмурий жавобгарликка тортилиши керак. Иммуниететга эга булган шахсларга нисбатан маъмурий жазо УзР катнашчиси хисобланган халкаро шартномалар ва битимларга зид булмаган даражада кулланилади.

УзР БКнинг 188-моддасига мувофик божхона органи бошлиги (бошлик уринбосари) божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги ишни куриб чикиб, куйидаги карорлардан бирини чикаради:

Жарима солиш тугрисида;

Иш юритишни тугатиш тугрисида;

Жиноят ишини кузгатиш ва суриштирув утказиш тугрисида;

Хукукбузарликлар тугрисидаги материалларни тегишли идоралар буйича юбориш тугрисида;

Ишни кушимча равишда юритиш (текшириш) учун кайтариш тугрисида.

Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича карорда куйидагилар булиши керак: карор чикарган божхона органининг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, иш куриладиган сана; иши курилатган шахсга доир маълумотлар, ишни куриш вақтида аниқланган ҳолатлар баени; божхона хакидаги конунлар бузилиши содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи меъёрий хужжатлар (БК, МЖК моддалари, Президентнинг фармони, УзР Вазирлар Маҳкамасининг карори), иш буйича қабул қилинган карор, карор устидан шикоят қилиш муддатлари ва тартибига доир маълумотлар. Пул жаримаси солишда сумма карор қабул қилган бевосита раҳбар томонидан езув билан езилади. Тузатиш, учуриш, тозалаш ва хоказоларга йул қуйилмайди.

Иш буйича карорда олиб қуйилган ашелар ва хужжатлар тугрисидаги, шунингдек, ушланган транспорт воситалари хакидаги масала ҳал этилиши керак. Карорга божхона органи бошлиги (уринбосари) имзо чекади ва гербли муҳр билан тасдиқланади. Божхона органи бошлиги (унинг уринбосари) УзР МЖКнинг 271-моддасида назарда тутилган ҳолатлар мавжуд булган тақдирдагина ишни юритишни тухтатиш тугрисида карор қабул қилиши мумкин. Бунда карорда мазкур модда ва қуланилган меъерий хужжатнинг тегишли бандига ҳавола қилинган ҳолда ишни юритиш тухтатилганлиги тугрисида батафсил езув қайд этилади.

Маъмурий (божхона) ҳуқуқни бузиши тугрисидаги иш буйича карор ишни куриб чиқиш тамом булгач, дарҳол эълон қилинади. Ҳуқуқни бузувчи у қайси божхона ҳуқуқини бузгани учун УзР БКнинг 132-моддасида назарда тутилган жазога дучор қилинаётганлигини аниқ билиши керак. Карор нусхаси уч кун ичида унга нисбатан карор чикарилган шахсга, шунингдек унинг илтимосига кура жабрланувчига топширилади еки юборилади. Карор нусхаси тилхат остида топширилади, агар у жунатилса, бу ҳақда ишда тегишли езув қайд этилади. Маъмурий жазо қулланилиши жавобгарликка тортилувчи шахсни бож туловларини тулаш мажбуриятидан ва Божхона кодексида назарда тутилган бошқа талабларни бажаришдан озод қилмайди.

Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича карор устидан юқори турувчи божхона органига (мансабдор шахсга) еки божхона органи жойлашган ердаги судга ун кун муддатда берилиши мумкин. Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича карор чикарган божхона органи орқали берилган шикоят уч сутка ичида тегишлича юқори турувчи божхона органига еки судга юборилади.

Божхона хакидаги конунлар бузилганлиги тугрисидаги иш буйича прокурор томонидан карорга протест чикарилиши мумкин (УзР МЖКнинг 317-моддаси). «Прокуратура тугрисида»ги УзР конунига мувофик (25-модда), протест орган (мансабдор шахс)га келиб тушган пайтдан бошлаб ун кун муддатда куриб чикилиши керак. Протестни куриб чикиш натижалари тугрисида зудлик билан прокурорга езма шаклда маълум килинади. Протест рад этилган тақдирда карор чикарган божхона органининг мансабдор шахси уни тегишли меъерий хужжатга хавола килган холда асослаши керак.

Белгиланган муддатда шикоят бериш еки прокурор томонидан протест келтириш маъмурий (божхона) ҳуқуқни бузиш тугрисидаги карорнинг ижросини, агар конун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган булса, шикоят еки протест куриб чиқилгунга қадар тухтатиб қуяди (БКнинг 189-моддаси).

Юқори турувчи божхона органи бошлиги божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича чиқарилган карор устидан берилган шикоятни еки прокурорнинг протестни куриш вақтида қуйидаги ҳал қилув карорларидан бирини қабул қилади:

а) карорни узғаришсиз қолдиради, шикоят еки протестни эса қаноатлантирмайди;

б) карорни бекор қилади ва ишни янгидан куриш учун юборади;

в) карорни бекор қилади ва иш юритишни тугатади;

г) божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик учун жазо чорасини қўлайтирмаган холда уни УзР Бқда назарда тутилган доирада узгартиради.

Божхона органининг ҳал қилув қарори қарор шаклида расмийлаштирилади. Қарор нусхаси ўч қун ичида манфаатдор шахсга юборилади.

Божхона хакидаги конун хужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича чиқарилган қарорни бекор қилиш еки узгартиришга қуйидагилар (УзР БКнинг 191-моддаси) асос бўлади:

а) ишнинг мансабдор шахс томонидан куриб чиқилишининг тулик эмаслиги еки бир хил эмаслиги, яъни ишни бирламчи куриб чиқишда содир этилган ҳуқуқни бузишнинг барча ҳолатлари урганилмаган, иш буйича асосли илтимосномалар ва исботлар ҳисобга олинмаган ва бошқалар;

б) мансабдор шахс (орган бошлиги еки унинг уринбосари)нинг қарори билан МЖК, БК махсус қисмлари ва маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи бошқа норматив хужжатлари нормалари, ишнинг ҳақиқий ҳолатлари уртасидаги номувофиқлик, яъни чиқарилган қарорда маъмурий жазо чораси ўшбу ҳуқуқни бузиш учун назарда тутилган тегишли модда санкциялари доирасида бўлиши керак. Агар қарор икки еки ўндан ортиқ ҳуқуқни бузишнинг жами буйича қабул қилинган булса, у ҳолда у МЖКнинг 34-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши керак;

в) жазо қўллашнинг қонунчилиқда белгиланган тартиби бузилиши, яъни божхона хакидаги қонунлар бузилганлиги тугрисидаги ишни юритиш қоидаларининг жиддий равишда бузилиши, жумладан, куриб чиқиш муддатларига риоя қилинмаган, белгиланмаган шаклда баеннома тузилган ва қарор чиқарилган, ишни куриб чиқиш қатнашчиларининг тушунтиришлари, ашевий далилларни расмийлаштиришга қўйиладиган қоидалар ва талабларга риоя қилинмаган, таржимон таъминланмаган (зарурат бўлганда) ва БКнинг XVI бобида ва УзР МЖКнинг XXIII бобида назарда тутилган бошқа талаблар.

Юкори турувчи божхона органи бошлиги маъмурий ҳукукбузарлик тугрисидаги иш буйича қарорга шикоят еки прокурор протести юзасидан қарор қабул қилади, унда у чиқарилган вақт ва жой, шикоят еки протестни қуриб чиқувчи мансабдор шахс, прокурор ва бошқа қатнашувчи шахслар; шикоят берган шахс еки протест келтирган прокурор; маъмурий (божхона) ҳуқуқни бузиши тугрисидаги иш буйича шикоят берилган еки протест келтирилган қарорнинг моҳияти, шикоят еки протест буйича чиқарилган қарор ва ҳал қилув қарорининг асосланиши (меъерий ҳужжатга ҳавола қилган ҳолда қандай қарор қабул қилинганлиги, ушбу қарорни қим бажариши қераклиги аниқ қурсатилган ҳолда). Божхона тугрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши тугрисидаги қарор буйича шикоят еки протест юзасидан қарор нусхаси ўқ қун муддатда ўнга нисбатан ушбу қарор чиқарилган шахсга, жабрланувчига ўнинг илтимосига қура юборилади. Протестни қуриб чиқиш натижалари тугрисида прокурорга езма равишда маълум қилинади.

БКнинг 192-моддасига мувофиқ божхона ҳақидаги қонун ҳужжатларини бузганлик тугрисидаги иш буйича чиқарилган қарорни бекор қилиб, иш юритишнинг тугатилиши ўндирилган қул суммаларининг, олиб қуйилган ва мусодара қилинган ашёларнинг қайтарилишига, шунингдек аввал қабул қилинган қарор билан боғлиқ бошқа чеклашлар бекор қилинишига олиб қелади. Буюмни қайтаришнинг имқони бўлмаган

19-мавзу. Божхона органларида суриштирувни ташкил этиш Режа:

1. Суриштирув жараенида қулланиладиган асосий тушунчалар.
2. Суриштирув органларининг турлари.
3. Суриштирув органларининг мажбуриятларини бажариш буйича фаолият йўналишлари.
4. Жиноят ишини қузгатиш сабаблари ва асослари.

Жиноят объекти – бу жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноятнинг қуйидаги қуринишдаги объектлари мавжуд:

1. Жиноятнинг ўмумий объекти деб, жиноят қонуни билан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабатлар йигиндисида айтилади. Масалан: шахс, ўни ҳуқуқ ва эркинликлари; жамият ва давлат манфаатлари; қулқ; табиий муҳит; тинчлик; инсоният ҳавфсизлиги. Жиноятни ўмумий объекти ердамида жиноят ҳуқуқининг ижтимоий сиесий мазмуни, жиноий тажовузқорликнинг ижтимоий ҳавфлилик ҳусусияти белгилаб берилади. Ўмумий объект жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар ўртасидаги тафовутни белгилаб олиш имқонини беради.

2. Турдош объект жиноят қонунини жиноятларнинг муайян қуринишларидан муҳофаза этадиган, моҳиятига қура, бир тоифадаги ижтимоий муносабатлар қурухидан иборат. Айни ў еки бу қурухга оид ижтимоий муносабатларнинг муҳимлиги жиноят кодексининг маҳсус қисмида жиноятларнинг айрим қуруҳини изқил жойланишини аниқлаб беради.

3. Бевосита объект муайян жиноят туридан муҳофаза этиладиган ижтимоий муносабат бўлиб, айни ўнинг ўзи жиноятга баҳо беришда белгилаб олиниши лозим.

Қуп объектли жиноятларда бевосита объект доирасида асосий, қушимча ва факультатив объектларни ажратадилар. Мазқур тасниф

тажовузнинг муайян туридан химоя килиш учун куйилган ижтимоий муносабатларнинг киесий ахамиятига асосланади.

Асосий бевосита объект – бу конун чиқарувчининг муайян ҳукукий нормани тузишда, энг аввало, жиноят конуни муҳофаза килишга интилишга қўядиган ижтимоий муносабатдир. Айни асосий бевосита объект жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик хусусиятини, унинг махсус қисм тизимидаги урнини аниқлайди ва турдош объектнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Қўшимча бевосита объект асосий бевосита объектга тажовуз этилганида муқаррар зарар етadиган ижтимоий муносабатдир. Мазкур объект жиноят таркибининг муқаррар аломати бўлиб, у қилмишга баҳо беришга таъсир этади.

Факультатив бевосита объект муайян жиноят таркибининг зарурий аломати бўлмаган лекин мавжуд жиноятнинг содир этилишида ҳавф остида қоладиган ижтимоий муносабатдир.

Жиноятнинг объектив томони дейилганида шахснинг онгли хатти-ҳаракати ва иродавий ҳулқ-атвори тушунилади. Жиноятнинг объектив томони қуйидаги белгиларни ўз ичига олади:

Қилмиш (ҳаракат еки ҳаракатсизлик);

Жиноий оқибат;

Қилмиш ва жиноий оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш;

Жиноятнинг содир этилиш вақти;

Жиноятнинг содир этилиш жойи;

Жиноятнинг содир этилиш вазияти;

Жиноятнинг содир этилиш усули;

Жиноятнинг содир этилиш қуроли;

Жиноятнинг содир этилиш воситаси.

Ҳаракат деб, шахснинг ижтимоий ҳавфли, иродавий фаол ҳулқ-атвори тушунилади. Ҳаракатсизлик – ижтимоий ҳавфли, фаол бўлмаган шахснинг меъёрий ҳужжатларда бажариш учун қўрсатилган муайян ҳаракатларни бажармаганлигидан иборат ҳулқ-атвордир.

Жиноий оқибат – бу жиноий-ҳукукий муҳофаза этиладиган, ижтимоий муносабат объектлари элементларига ижтимоий ҳавфли қилмиш натижасидаги етказилган зарардир. Ижтимоий ҳавфли хатти-ҳаракат содир этган шахснинг қилмиши ҳаракати ва ҳаракатсизлиги билан жиноят натижасида етказилган жиноий оқибат ўртасидаги боғлиқлик, сабабий боғланиш деб тушунилади.

Жиноятнинг содир этилиш вақти деб, йил, ой, ҳафта кун ва туннинг муайян қисмига, у еки бу воқеа содир этилиши натижасида махсус шароитларни вужудга келтирадиган даврга айтилади. Жиноятнинг содир этилиш жойи деганда жиноий воқеа содир этилган муайян ҳудуд тушунилади.

Жиноятнинг содир этилиш вазияти деганда жиноят содир этилган чекланган ҳудуд тушунилиб, унда инсоннинг моддий предметлари, табиий иқлим ва бошқа омилларнинг ижтимоий ҳавфли қилмиш даражасига таъсир этиши жиноий ҳукукий аҳамият касб этади. Шундай қилиб, жиноятнинг содир этилиш вазияти жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини қўчайтирадиган еки қамайтирадиган объектив белгиларни ўз ичига олади. Масалан, қурол, ўқ-дори, ҳарбий техника ва бошқалар.

Жиноятни содир этиш усули деганда, шахснинг жиноий ниятини амалга ошириш учун қўллаган услуби «иш йули» муайян ҳаракати ва ҳаракатлари мажмуаси тушунилади. Усул – жиноий қилмишнинг намоён бўлиш шаклидир. Жиноят қуроли деб жиноят содир этилишида фойдаланиладиган

предметлар тушунилади. Масалан, айбдорнинг талон-тарож килинган мулкни ташиш учун фойдаланган шахсий автотранспорти, агар у ушбу жиноятнинг содир этилишини таъминлаган булса, жиноят куроли деб тан олиниши мумкин. Жиноятни содир этиш воситалари деганда, жиноятни амалга оширишни енгиллаштирувчи предмет тушунилади.

Жиноятни содир этган шахс жиноятнинг субъектидир. Жиноят содир этган шахс жиноят субъекти булиши учун, у жиноят ешига етган булиши, килинган жиноий хатти-харакатларига жавоб бера олиши, яъни «акли расо» шахс булиши лозим. Акс холда у, жиноятнинг субъекти була олмайди. Жиноятнинг субъектив томони дейилганида шахснинг узи содир этган ижтимоий хавфли килмишга ва унинг окибатларига булган рухий муносабати тушунилади. Жиноятнинг субъектив томони куйидаги белгиларни уз ичига олади:

1. Айб – шахс узи содир этган ижтимоий хавфли килмишга ва унинг жиноий окибатларига касд еки эхтиетсизлик шаклидаги рухий муносабатни билдиради.

2. Мотив – жиноий килмиш содир этишга касд килдирувчи англаб етилган туйгу. Мотив доим жиноятдан олдин пайдо булади ва унинг максadini белгилайди.

3. Мақсад – жиноий килмишнинг содир этилиши мобайнида субъект етишиши учун интиладиган фикрий натижадир. Мотив ва мақсаднинг йигиндиси айбни вужудга келтиради.

Жиноят-процессуал конунчилиги буйича суриширув – бу жиноят содир этганлиги тугрисида келиб тушган маълумотларга асосан процессуал фаолиятни амалга ошириш ваколати берилган орган. Куйидагилар суриштирув органлари хисобланади:

милиция;

харбий кисмлар, кушилмаларнинг командирлари, харбий муассасалар ва харбий укув юртларининг бошликлари, уларга бусунувчи харбий укув юртларининг бошликлари, уларга буйсунувчи харбий хизматчилар, шунингдек укув машклари утказилаётган вақтда харбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятларга доир ишлар буйича; Ўзбекистон Республикаси Куролли кучлари ходимларининг хизмат вазифасини бажариш билан боглик жиноятлари еки кисм, кушилма, муассаса еки укув юрти жойлашган ерда содир этилган жиноятларига доир ишлар буйича;

миллий хавфсизлик хизмати органлари, конунга кура уларнинг юритишига берилган ишлар буйича;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошликлари, камок тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов изоляторлари ва турмаларнинг бошликлари, шу муассасалар ходимлари хизматни уташни белгиланган тартибига карши килган жиноятларига доир ишлар, худди шунингдек маъмур муассасалар худудида содир этилган бошка жиноятларга доир ишлар буйича;

Давлат енгиндан назорат килиш органлари (енгинларга доир ва енгинга карши коидаларни бузганликка доир ишлар буйича);

Чегарани куриклаш органлари – давлат чегарасини бузганликка доир ишлар буйича;

Олис сафарда булган денгиз кемаларининг капитанлари;

Давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқка оид жиноятларга карши кураш

департаменти ва унинг жойлардаги булинмалари – тегишинча божхона ва солик тугрисидаги конун ҳужжатларини бузганликка доир ишлар буйича.

Суриштирувнинг вазифалари:

1. Жиноятнинг олдини олиш ва унга йул қўймаслик.
2. Далилларни туплаш ва сақлаш.
3. Жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш.
4. Жиноят тўғрисида етказилган моддий зиён қоплатишини таъминлаш учун қечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритишдан иборат.

Суриштирув органларининг мажбуриятларини бажариш бўйича фаолиятини икки йўналишга бўлиш мумкин:

1. Жиноят – процессуал йўналиш.
2. Тезкор – қидирув йўналиш.

Суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолиятида, суриштирув шаклида дастлабки тергов утқизиш асосий уринни эгаллайди. Жиноят жараенида суриштирув органларининг процессуал ҳужжатлари терговчининг ҳужжатлари каби юридик аҳамиятга эга.

Суриштирув асосан қуйидаги ҳолларда бошланган ҳисобланади:

1. Жиноят ишини қўзғатиш учун сабаблар ва асослар етарли бўлган тақдирда суриштирувчи жиноят ишини қўзғатиш ва иш юриши учун қабул қилинган қарор божхона бошқармаси бошлиғи еки унинг уринбосарига тасдиқлатилган пайтдан бошлаб;

2. Суриштирув органи бошлиғи еки прокурорнинг Жиноят кодексининг конкрет моддаси бўйича қўзғатилган жиноят ишининг суриштирувчи олиб, иш юритувчига қабул қилиш тугрисидаги қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб;

Суриштирувчи ишни ўз юритувига олганидан сўнг, жиноят-процессуал қонунида қайд этилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Суриштирув органининг бошлиғи жиноят ишини қўзғатишга, бу ишни узининг иш юритувига қабул қилиш ва суриштирувни бошлашга еки узига бўйсунувчи бошқа ходимга суриштирув юритишни топтиришга иш қўзғатишни рад этишга, аризани, хабарни терговга тегишли эканлигига қўра утқизишга ҳақлидир.

Олий юридик маълумотга эга бўлиб, божхона масканларида бир йилдан кам ишламаган божхона ходими суриштирувчи бўлиши мумкин. Суриштирувчи – муайян ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлган процессуал шахсдир. Зеро, ҳудудий божхона бошқармалари инспекторлари, катта инспекторлари ва бош инспекторлари – суриштирувчилари Давлат божхона қўмитаси номенклатурасига кирмайдиган лавозимлар ҳисобланади.

Суриштирув органининг бошлиғи жиноят ишини қўзғатиб суриштирув ҳаракатлари олиб бориш жараенида унга берилган ваколатларга амал қилади.

Суриштирувчининг қарорини тасдиқлаш. Суриштирувчининг қарори суриштирув органи бошлиғи (еки унинг уринбосари) томонидан тасдиқланиши лозим. Суриштирув органи бошлигининг езма қўрсатмаси суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирувчи қўрсатмага қарши бўлса, қўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб, мазкур қўрсатма устидан прокурорга шикоят қилишга ҳақли.

Прокурорнинг езма қўрсатмаси суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи учун мажбурийдир. Суриштирув органининг бошлиғи ва суриштирувчи прокурор қўрсатмасига қарши бўлса, қўрсатмани бажаришни тўхтатмай туриб унинг устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга

хаклидир. Суриштирувчи жиноят содир этилганлиги тугрисида сабаб ва асослар етарли булган барча холларда жиноят ишини кузгатишни шарт.

Жиноят ишини кузгатиш учун:

1. шахсларнинг аризалари;
2. корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоа бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
3. оммавий ахборот воситалари берган хабарлар;
4. жиноят содир этганлигини курсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг бевосита узи аниклаши;
5. айбини буйнига олиш хакидаги арз сабаб булади.

Жиноят белгилари мавжудлигини курсатувчи маълумотлар жиноят ишини кузгатиш учун асос булади.

Суриштирувчи, жиноятга оид маълумотлар олинган еки бундай маълумотларни бевосита узлари аниклаган холда, куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1. жиноят ишини кузгатиш хакида;
2. ишни кузгатишни рад этиш хакида;
3. ариза еки хабарни терговга тегишли эканлигига қараб юбориш хакида.

Жиноят ишини кузгатиш учун сабаблар ва асослар етарли булган тақдирда суриштирувчи жиноят ишини кузгатиш тугрисида қарор чиқаради. Суриштирувчи томонидан чиқарилган қарор божхона бошқармаси бошлиги томонидан тасдиқланади. Қарорда:

- жиноят ишини кузгатиш учун сабаб ва асослар;
- Жиноят кодексининг мазкур жиноятни назарда тутувчи моддаси;
- ишни уз юритувчига олган мансабдор шахс курсатилади.

Жиноят ишини кузгатиш хакидаги қарор уч қисмдан: қириш, тавсиф ва ҳулосадан иборат булади. Қириш қисмида қарор қачон, қим томонидан, қаерда чиқарилганлиги, тавсиф қисмида эса жиноят иши кузгатишнинг асоси ва сабаблари курсатилади, ҳулоса қисмида Жиноят кодексининг қайси моддаси асосида жиноят иши кузгатилаётганлиги, унинг кейинги ҳаракатлари хакида маълумотлар қайд этилади. Суриштирувчининг жиноят ишини кузгатиш ва иш юритувига қабул қилиш хакидаги қарори прокурор томонидан тасдиқланмайди, лекин бу қарорнинг нусхаси унга юборилиши шарт.

Назорат саволлари:

1. Суриштирув органлари турлари.
2. Суриштирувнинг вазифалари ва мажбуриятлари.
3. Суриштирув жараенида қулланиладиган асосий тушунчалар.
4. Суриштирувчи қабул қилган қарорлар.
5. Суриштириш жойини ва вақтини аниқлаш тартиби.
6. Жиноят ишини кузгатиш учун сабаб ва асосларни аниқлаш тартиби.
7. Жиноят ишини кузгатиш учун шахслардан аризалар қабул қилиш тартиби.
8. Далилларни туплаш ва сақлаш тартиби.
9. Дастлабки маълумотлар асосида суриштириш ишларини олиб бориш.
10. Контрабанда воситаларини аниқлашга доир дастлабки суриштириш.

20-мавзу. Жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини утказиш

Режа:

1. Суриштирувчининг жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини утказиши
2. Жиноят ишларини юритиш тартиби
3. Жиноят иши буйича далиллар
4. Жиноят иши юзасидан суриштирувнинг тамомланиши

Суриштирувчи жиноят иши юзасидан иккита асос мавжуд бўлгандагина тергов ҳаракатларини юритиши мумкин:

1. *Фактик асос* яъни, жиноят содир этилиши билан жиноят-процессуал қонунчилигида қурсатиб утилган ҳолатларни вужудга келиши;
2. *Ҳукукий асос* яъни ҳар қандай тергов ҳаракатларини утказиш қоидаларини жиноят-процессуал қонунчилигимизда ҳукукий жихатдан тартибга солингани. Масалан, жиноят иши юзасидан «юзлаштириш», тергов ҳаракатини утказиш, илгари сурок қилинган икки шахс қурсатмалари уртасида жиддий қарама-қаршилик вужудга келиши натижасида юзлаштириш тергов ҳаракатини утказиш тартиби ва қоидалари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 122, 124-моддаларида ҳукукий жихатдан асосланганлигининг узи ҳукукий асосдир.

Суриштирувчи тергов ҳаракатини утказишда қуйидаги вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди:

- 1) қонунга асосланган ҳолатлар билан шахсан танишиш;
- 2) иш буйича аҳамиятли бўлган далилларни излар ва предметларни топиш, қайд қилиш ва олиб кетиш;
- 3) жиноий воқеа натижасида юз берган ўзгаришларни топиш;
- 4) жиноят воқеаси ҳолатлари буйича суриштирувчини қизиқтирувчи масалаларни ҳал қилиш, ТМБ билан боғлиқ масалалар, жиноят содир этилган жойдаги бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг ўшбу жиноятга алоқадорлигини аниқлаш;

- 5) хусусий тахминларни илгари суриш ва уларни текшириш.

Бевосита жиноятчилар еки қидирилиши қерак бўлган қишилар доирасини қурсатувчи маълумотларни топиш;

Суриштирувчи қувоҳни, қабрланувчини, қумон қилинувчи ва айбланувчини дастлабки тергов утқазилаётган жойда еки сурок қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда сурок қилади.

Жиноят иши ўчун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан қимда ва қаерда эканлиги маълум бўлиб, уларни қидиришнинг ҳожати бўлмаса, уларни суриштирувчи олиб қуйишга ҳақлидир.

Суриштирувчи бирор турар жой, қизмат, ишлаб қикариш қиноси еки бирор шахсда иш ўчун аҳамиятли бўлган ашевий далил ва ҳужжатлар

борлигига етарли асослангандагина тинтув тергов харакатини утказишга хаклидир.

Одатда суриштирувчи томонидан тинтув утказиш тугрисида чиқарилган қарор прокурорнинг рухсати бўлишини тақозо этади. Аммо, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда прокурорнинг рухсатисиз чиқарилган қарор асосида тинтув, тергов харакати утказилиши мумкин. Бундай ҳолатларда прокурорга тинтув утказилганлиги тугрисида 24 соат ичида езма равишда хабар қилиниши керак.

Экспертнинг ҳулосаси етарли даражада аниқ бўлмай, камчиликларни тулдириш учун қушимча текшириш утказишга зарурат бўлмаса еки эксперт фойдаланган усулларга аниқлик киритиш зарур бўлиб қолса, суриштирувчи сурок қилишнинг умумий қоидаларига риоя этгани ҳолда экспертни сурок қилиши мумкин.

Жиноят иши бўйича олинган ашевий далилларни суриштирувчи, ҳолислар (зарур бўлса мутахассис), иштирокида қуздан кечирази ва қуздан кечирганлиги тугрисида баеннома тузади. Қуздан кечириш баенномасида ашевий далилларни ишга тааллуқлилигини қурсатувчи муайян белгилар ва уларнинг бошқа ашелардан фарқловчи белгилари қурсатилиши лозим. Акс ҳолда мазкур баеннома ҳуқуқий жихатдан далилий қучини йукотади.

Жиноят жараени иштирокчиси тергов харакатларини амалга оширишга тусқинлик қилаётган, узига юқлатилган мажбуриятларни бажармаётган бўлса, шунингдек, гумон қилинувчи, айбланувчининг қелгуси жиной фаолиятининг олдини олиш ва ҳукм ижросини таъминлаш учун эҳтиёж сезилса, суриштирувчи жинойт-процессуал кодексида белгиланган тартибда мажбурлов қораларини қуллашга хаклидир. Процессуал мажбурлов қораларини қуллаш суриштирувчининг бевосита вақолати ҳисобланади.

Суриштирувчи гумон қилинувчига нисбатан ушлаб туриш, қамокда сақлаш, экспертиза утказиш учун тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов қораси қулаганида бу ҳақда 24 соатдан кечиктирмасдан унинг оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда қариндошларига еки яқин қишларига хабар бериши, шунингдек, бу ҳақда иш еки уқиш жойига маълум қилиши шарт.

Ушлаб турилган, қамокда сақланаётган еки тиббий муассасага жойлаштирилган шахс бошқа давлатнинг фуқароси бўлса, юқорида қурсатилган муддат ичида ЎзР Ташқи ишлар вазиригига хабар берилиши шарт. Хабарноманинг нусхаси ишга илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жинойт ишларини юрийтиш тартиби Жинойт-процессуал кодекси билан белгиланади.

Жиноят ишларини юрийтишнинг Жинойт-процессуал кодексида белгиланган тартиби барча суд, прокуратура, тергов, суриштирув органлари, адвокатура, шунингдек, фуқаролар учун ҳам ягона ҳамда мажбурийдир.

Жиноят-процессуал фаолиятнинг профилактика борасидаги вазифаси, аввало, жинойтни тез ва тулиқ очиш, уни содир этган шахсларни адолатли жазолаш, иш қузгатиш, тергов қилиш ва уни судда қуриш жараенида қонунни тугри қуллаш орқали таъминланади.

Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида процессуал меъерларнинг қучга қириш пайтини аниқлашнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Биринчидан, меъерлар қабул қилинган ва эълон қилинган вақтдан эътиборан қучга қиради;

Иккинчидан, кучга кириш вакти Республика Олий Мажлисининг Ахборотномаси еки «Халк сузи» газетасида эълон килинганидан 10 кун кейин белгиланади;

Учинчидан, жиноят-процессуал меъерий ҳужжат тугридан-тугри унинг узида еки жиноят-процессуал кодексида булгани каби, ана шу ҳужжатнинг тасдиғи конунда курсатилган пайтдан эътиборан кучга киради.

Давлат ҳудуди деганда ер юзасининг ички ва сув ҳудудларининг ҳаво ҳудудини кушган ҳолда давлат чегаралари доирасидаги қисми, шунингдек, очик денгиз ва узгаларнинг сув ҳудудларида турган ҳарбий ҳамда бошқа денгиз кемалари, давлат сарҳадларидан ташқаридаги фазода булган ҳаво кемалари ва элчихоналарнинг ҳудуди тушунилади.

Фуқаролик – шахснинг муайян давлатга мансублиғи бўлиб, давлат унга нисбатан уз ҳукмини утказди ва уни Конституцияда курсатилган ҳуқуқлари ва бурчлари билан таъминлайди, унинг ҳуқуқини ушбу давлат ичида ва ташқарисида муҳофаза қилади. Фуқаролик шахснинг муайян давлат билан барқарор, доимий сиёсий ҳуқуқий алоқасидир. Бу алоқа уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари билан ифодаланади. Шахснинг фуқаролик ҳолати давлат томонидан берилган алоҳида ҳужжат «фуқаролик паспорти» билан белгилаб қўйилади.

